O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2001 йил 14 АВГУСТ, сешанба
№ 33 (237)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади



Энг улуғ, энг азиз байрамимизга 17 кун қолди

Биз истиқлол шарофати билан кўп қадриятларни — иймонимизни, миллий ғуруримизни, озодликни, бир сўз билан айтганда, Парвардигорни қайтадан чинакамига танидик. Эндиги вазифа — боболаримизнинг поймол этилган орзу-умидлари ҳаққи, авлодларимизга, сизу бизнинг фарзандларимизга бутун дунё билан теппа-тенг бўйлашадиган буюк Ўзбекистонни мерос қилиб қолдирмоқдир.

Ислом КАРИМОВ



Навоий вилоятининг бугунги манзаралари

Ватаннома

ШАХС МУСТАҚИЛЛИГИ МИЛЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИДИР

Ҳаёт — тажриба мактаби. Инсон боласи мана шу мактабнинг турфа синовларидан ўта-ўта, ақлий ва маънавий жиҳатдан камолга етади.

Миллий истиқлолимизга эришганимиздан сўнг ўтган даврнинг ҳар йили ўзига хос дорилфунун бўлиб, тафаккуримизни чархлади, тушунчаларимизни теранлаштирди, дунёқарашимизни кенгайтирди, илгари фаҳмимиз етмаган жумбоқларнинг сирини очиб берди. Қулликнинг кишанларидан озод бўлиш баробарида онгимиз ва кўнглимизда ўрнашган маънавий мутеълик зангларидан ҳам халос бўла бордик. Тарих ва бугунги куннинг саболаридан ўзимизга тегишли хулосалар чиқариш имконига эга бўлдик.

Биринчи хулоса шуки, тарихий илдизи бақувват, давр синовларида ўзлигини йўқотмаган миллат ҳар қандай вазиятда ҳам ҳурликка интилиш туйғусини сақлаб қолади ва бу туйғу фарзандларининг қонида орзу, армон, туғён ва интилиш бўлиб, мангу яшайверади. Мана шу руҳий-маънавий заминда миллатнинг янги раҳнамолари, халқнинг жасур йўлбошчилари туғилади ва вояга етади. Ана шундай раҳнамолар Ватанини, халқини мустақилликка олиб чиқиб қолмасдан, балки қудратли давлатнинг эгаларига айлантиришга ҳам қодир бўладилар. Мамлакатнинг мустақиллиги унинг давлат сифатидаги барча ҳақ-ҳуқуқларга эга бўлиш ва уни ҳимоя қилиш салоҳияти билан белгиланар, яъни у ўзининг дахлсиз ҳудудига, чегарасига эга бўлиш билан биргаликда халқини, унинг манфаатларини, юртнинг ер ости ва ер усти бойликларини бедахл асраш, ташқи тажовузларга, ички бузғунчиликларга муносиб зарба бериш, фуқароларнинг хоҳиш-иродаси билан қабул қилинган қонунларга тўла-тўкис риоя этилишини таъминлашдек улкан имкониятга эга бўлар экан.

Ўзбек халқи ўз тарихида жуда кўп қийинчиликларни, машаққатларни бошидан кечирди. Аммо ўзини йўқотмади, йўқолмади. Балки ҳар сафар тобланиб, чиниқиб жаҳон саҳнасига чиқаверди.

Мана шу жараёнда, албатта, унинг дардига малҳам, белига дармон бўладиган жасур ва заковатли, мард ва матонатли, фозил ва фаросатли фарзандлари дунёга келди, унинг раҳнамосига айланди, ушалмаган орзуларини рўёбга чиқарди.

Бу фикрлардан мақсад шундаки, тарихий эврилишлар палласида ШАХСнинг мустақиллиги МИЛЛАТнинг мустақиллигига пойдевор бўлиши мумкинлиги халқимизнинг тарихида бир неча бор исботини топди.

Ўтган асрнинг поёнида шўровий истибдод авж палласига чиқиб, халқимиз моддий ва маънавий жиҳатдан эзилган, юрт бўйлаб парокандалик, бош-бошдоқлик, тушкунлик қора қўланкасини ёйган таҳликали кунларда ўзининг МУСТАҚИЛ ФИКРИ, ФОЯСИ, ДАСТУРИга эга бўлган Ислом Каримовнинг сиёсат саҳнасида пайдо бўлиши халқимизга Яратганнинг тенгсиз инояти бўлди.

Биринчи Президентнинг пухта ўйланган амалий ҳаракати халқнинг орзу-интилишлари билан уйғунлашгани натижасида умуммиллий Ҳуррият рўёбга чиқди. Мамлакатнинг мустақиллиги барча фуқаролар мустақиллигининг кафолатига айланди.

Иккинчи хулоса шуки, Озод Ватанда камол топган озод инсонларнинг ҳур фикри, дунёқараши, миллий ғурур ва ифтихордан қанотланган орзу-умидлари қудратли куч бўлиб, мўъжизалар яратар экан. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бир қатор мамлакатларни иқтисодий, ижтимоий, маънавий вайроналиклардан халос этган ва тараққиётнинг равон йўлига олиб чиққан қувват ҳам айнан миллатнинг ўз ҳақ-ҳуқуқини танигани, билгани, уни ҳимоя қилолгани ва ўзлигини намоён қилолгани туфайли юз берганини ҳам яхши биламиз. Истиқлол йилларида юзлаб, минглаб юртдошларимиз ҳаётнинг барча жабҳаларида тенгсиз муваффақиятларга эришаётганининг ўзи ҳам мустақил шахснинг имкониятлари нечоғлик кенглигини кўрсатиб турибди. Мустақил мамлакатнинг фуқаролари ҳар қандай шароитда, ер юзининг қайси ҳудудида бўлишидан қатъий назар ўзини давлатининг муҳофазасида эканлигини ҳис этиб, унинг обрўси, нуфузига таяниб, ортида она Ватани ва халқи борлигидан фахрланиб, уларни ўзининг суянч тоғи билиб, ўзини том маънодаги озод Инсон санаш бахтига эришар экан.

Битта оддий мисол: етмиш беш йил давомида "колхозчи", "совхоз ишчиси" деб аталган, билагининг кучини, қалбининг қўрини ерга тўкиб, эвазига арзимас ҳақ олган юртдошларимизнинг аксарияти бугунги кунда хусусий мулкдорга айланди. Бу ҳуқуқ қонун ҳимоясига олинди. Ҳозирги пайтда 1 миллион гектар майдонда 46 минг 633 та фермер хўжаликларининг деҳқончилик қилаётгани, 400 мингдан зиёд фуқаронинг ўз манфаати ва эл фаровонлиги йўлида йилига тонна-тонна пахта, дон, сабзавот, мева ва узум, гўшт ва сут етиштираётгани, меҳнатининг роҳатини кўраётгани ҳам айнан шахс мустақиллигининг шарофатидир.

Якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланаётган, ўзининг хусусий корхонасига, фирмасига, савдо дўконига эга бўлган, йирик завод ва фабрикаларнинг, қурилиш ва транспорт ташкилотларининг тенг ҳуқуқли акциядорларига айланган минг-минглаб фуқароларнинг шахсий ва жамоа мулкига бўлган ҳуқуқини ҳам таъминлаган ва ҳимоя қилган куч ҳам айнан Мустақиллигимиздир.

Ўзбек йигит-қизларининг хорижий илм даргоҳларида таҳсил олаётгани, юзлаб юртдошларимизнинг илм излаб, замонавий технологияларни ўрганиб, тижорат ишлари билан эмин-эркин дунё кезиб юргани ҳам миллий истиқлолимизнинг шарофатидир.

Ўзига ўзи бек, ўзига хон халқимиз бугунги кунда жаҳондаги пешқадам мамлакатлар билан ҳамқадам бўлиш мақсадида қонун устуворлигига асосланган демократик давлат қуриш йўлида яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Учинчи хулоса: баъзи халқларнинг тақдири эса яна бир аччиқ сабоқни ҳам уқтиради. Мустақил мамлакатнинг фуқаролари бу саодатнинг қадрига етмаса, уни оёқости қилса, мухтасар қилиб айтганда, миллий ҳамжиҳатликни йўқотса, бундай халқ майдалашиб, бачаналашиб боради ва унинг янги раҳнамоларни етиштиришга қурби, қуввати етмай қолади. Натижада унинг камолига эмас, заволига хизмат қиладиган майда "доҳийча"лар пайдо бўлади ва ўзларининг майда манфаатлари йўлида миллатининг обрў-эътиборини тўкади, қашшоқликка, очликка гирифтор этади.

Бу ҳақда кўп гапириш, далил ва дастаклар келтириш мумкин. Бир қатор собиқ Шўро жумҳуриятларининг, Шарқий Европадаги ва Болқон ярим оролидаги давлатларнинг аҳволи, халқининг ўн йил давомида чеккан азоб-уқубатлари, юз берган биродаркушлик урушлари, тўкилган қонлар, бегуноҳ қурбонларнинг қисматини мушоҳада қилиб кўрадиган бўлсак, учала хулосамизнинг тўғрилигига амин бўламиз.

Демак, Мустақиллик мамлакатнинг равнақини, миллатнинг бахт-саодатини таъминлаш билан бирга ўзининг ҳимоя қилинишини, берган ноёб имкониятларидан халқнинг самарали фойдаланишини ҳам талаб этар экан.

Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт мана шу уйғунлик асосида бунёдга келади ва умрбоқий бўлади.

Бахтиёр РИЗО



Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъати ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг мажлиси бўлди.

***

Пойтахтимиздаги "Ўзкўргазмасавдо" марказида эркин ва юнон-рум кураши бўйича IX жаҳон чемпионати ўтказилмоқда. Унда 60 га яқин давлатлардан ташриф буюрган полвонлар иштирок этишмоқда.

***

"Ўзбекистон металлургия комбинати" акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасида қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларни йиғиш ва қайта ишлашга топшириши назорат қилиш ҳамда мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

***

Мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашда янгиликка қўл урилди. Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги биттадан туманда бу йил тажриба тариқасида 2-8-синф ўқувчиларига дарсликларни ижарага бериш ташкил этилди. Мазкур ижара усулида ота-оналар дарсликлар учун 4 баравар арзон нархда пул тўлайдилар.

***

Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Учрашув мамлакат парламентининг 29 августда бошланажак навбатдаги сессиясига бағишланди.

***

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Маънавият ва маърифат Кенгаши ҳамда Бадиий академия ҳамкорлигида мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланиб ўтказилаётган "Шу азиз Ватан барчамизники!" фестивалида бу гал Самарқанд вилояти вакиллари самарқандча меҳмоннавозлик удумини намойиш қилдилар.

***

Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси вилоятларда катта маърифий тадбирлар ўтказишга киришди. Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан "Истиқлол йиллари: миллий-диний қадриятларнинг халққа қайтиши" мавзусидаги туркум илмий-амалий анжуманлар бошлаб юборилди.

АНДИЖОН

Балиқчи туманидаги "Оролхон" ширкат хўжалиги "Қамбар-ота", "Мафтун", "Жўрабек", "Хуршид", "Озодбек", "Абдураҳим ота", "Жаҳонгир" ва "Олтин куз" фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқ-манфаатларини поймол қилиб, улар етиштирган маҳсулотлари учун ҳақини ўз вақтида тўламай келган. Вилоят прокуратураси томонидан ушбу фермер хўжаликларининг ҳуқуқ-манфаатларини кўзлаб берилган ариза ва даъво аризалари вилоят хўжалик суди томонидан кўриб чиқилди. Уларнинг ҳуқуқ-манфаатлари тикланди, адолат қарор топди. Натижада барча фермер хўжаликларининг жами етти миллион етти юз саксон бир минг уч юз ўн саккиз сўм ҳақи ундириб берилди.

Адлия вазирлигида

Қонунларимизда фуқароларнинг қадр-қиммати қай даражада ифодаланган? Хусусан, Жиноят-процессуал кодексида инсоннинг шаъни қай тариқа ҳимояланган? Жиноят ишларини ўрганиш ва суд жараёнида инсон ҳуқуқлари қанчалик ҳимоя қилинаётир? Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг муомала маданияти қандай бўлиши керак?

Адлия вазирлигида бўлиб ўтган навбатдаги ўқув машғулоти бевосита шу мавзуга бағишланди. Унда Жиноят-процессуал кодексида инсон ҳуқуқларининг ҳимояланиши, тергов ва суд жараёнларида жабрланувчилар шаънининг ҳимояси ҳамда ерговчилар, судьяларнинг муомала маданияти ҳақида фикр-мулоҳаза юритилди.

Уни ТДЮИ Жиноят-процессуал кодекси кафедраси мудири, юридик фанлари номзоди, доцент Зумрадхон Иноғомжонова олиб борди.

Конституция ва биз

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Ўн иккинчи сабоқ

Давлат, жамият ва халқ ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар азалдан ҳар қандай давлатнинг мазмун-моҳияти ва шакл-шамойилини белгилаб келган. Давлат ҳокимияти халқнинг хоҳиш-иродасини ифода этса, ўша давлат бошқаруви демократик давлат, деб эътироф этилган. Ўзбекистон бу борада ўзига хос йўлдан бормоқда. Хўш, бу масалалар Бош Қомусимизда қай тарзда ифодаланган? Навбатдаги сабоғимиз бевосита шу мавзуга бағишланади. Уни юридек фанлар номзоди Даврон АҲМЕДОВ шарҳлайди.

Конституциямизнинг кўплаб моддаларида "давлат", "халқ" тушунчалари учрайди ва улар муқобил тарзда истифода этилган. "Давлат" тушунчасига, унинг моҳиятига таъриф беришда жаҳон ҳуқуқий фанлар тизимида турлича қарашлар мавжуд. Масалан, давлат — бу муайян ҳудудни ишғол этган ва ягона ҳокимиятга уюшган халқдир, давлат инсонларнинг яшаш қоидаси шаклидир, деган таърифлар берилган. Давлат жамият, мамлакат ва айниқса, халққа алоқадор, чунки жамият, мамлакат ва халқдан айри ҳолда мавжуд бўлмайди. "Халқ" эса кенг маънода муайян мамлакатнинг аҳолисидир. Демак, давлат ва халқ ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, қаерда давлат халқнинг қўлида бўлса, унга хизмат қилса ва унинг иродасини ифода этса, демократик давлат ҳисобланади. Дарвоқе, бизнинг давлатимизнинг энг биринчи вазифаси халқ иродасини ифода этиш, халқнинг манфаатларини ҳимоя қилишдир. Шу сабабли Конституциянинг 2-моддасида фуқаролар манфаатининг ҳамма нарсадан устунлиги тан олинган ва қонуний равишда мустаҳкамланган. Қомусимизнинг бошқа кўпгина моддаларида қонун билан кафолатланган ҳам. Масалан, Конституцияда халқ ҳокимиятчилиги ўрнатилганлиги, демократиянинг умуминсоний тамойилларга асосланганлиги, бунга кўра инсон, унинг ҳаёти ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, фуқароларга жуда катта ҳуқуқ ва эркинликлар берилиб, уларнинг Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши фикримиз далилидир.

Конституциянинг ушбу моддаси таҳлил этилса, жамиятимизда инсон давлат учун эмас, балки давлат инсон учун мавжудлиги аён бўлади. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаронинг давлат ҳимоясида эканлиги, барча давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги Асосий Қонуннинг муҳим қоидалардан ҳисобланади.

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш сари ташланган дадил қадамлардан бири давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг қонунлаштирилиши бўлди.

Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

2-модда

Қомусимизга кўра, давлат қонун доирасида инсонлар учун, уларнинг тинч-тотув ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермоғи керак. Шу боис давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, хоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим. Бу ҳам мустақил давлатимиз Қомусининг ўзига хос демократик жиҳатларидан биридир. Чунки "қизил империя"нинг 70 йилдан ортиқ ҳукмронлиги даврида биз давлатга қарамлик ва сиғиниш ҳолатида, аниқроғи, ундан қўрқиб-чўчиб яшадик. Эндиликда эса ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги ва бахт-саодати учун деган ғоя амалда тантана қилмоқда.

Асосий Қонуннинг ана шу жиҳати ҳақида сўз кетар экан, юртимиз тарихининг ёрқин саҳифаларини ҳам ёдга олиш жоиз. Маълумки, улуғ бобокалонимиз Амир Темур XIV асрда Ўрта Осиёда қудратли ва буюк давлатга асос солган. Буюк соҳибқирон ушбу давлатни қандай ушлаб тургани ва қай тарзда идора этгани ҳақида қуйидагиларни таъкидлаб ўтган: "Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим, давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим, фуқароларни адолат ва инсоф билан ўзимдан рози қилдим..., раият (халқ) аҳволидан огоҳ бўлдим".

Улуғ бобокалонимизнинг бундай доно йўл-йўриқлари-ю панд-насиҳатларини эслаб ўтишдан мақсад шуки, қайси давлат халқ иродасини ифода этса, унинг манфаатларига хизмат қилса, унинг келажаги буюк бўлади.

Давлатимиз бутун диққат-эътиборни халқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш даврида мураккаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий мафкуравий жараёнларни бошқаришда бебошликка йўл қўймаслик, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш сиёсати давлатимиз томонидан оғишмай амалга оширилмоқда. **"Янги жамиятнинг сиёсий ва давлат тузумини белгилар эканмиз,** — дея таъкидлаган эди Президентимиз Ислом Каримов. — **Унда ҳар бир одамнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий фаолияти учун етарли эрк берадиган шарт-шароитлар яратилмоғи керак".**

Бу ўринда ҳақиқий демократия қарор топиши натижасида мамлакат аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гуруҳларнинг миллий ва маданий ҳақ-ҳуқуқлари муҳофаза этилиши назарда тутилади.

Шундай қилиб, Асосий Қомусимизда ҳимоя қилинаётган халқ манфаатлари фақат ўзбек халқи манфаатлари эмас, балки Ўзбекистон ҳудудида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларидир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **шу тупроқда туғилиб, шу юртга меҳнати сингган ҳар бир инсон — агар у бизнинг Ватанимизни, тупроғимизни худди биз каби муқаддас билса — Ўзбекистон фуқароси, деб саналишга лойиқ ва унинг иродаси, манфаатлари давлатимиз томонидан ҳимоя қилинажак!**

Қонун ва ижро

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚАДРИНИ БАЛАНД ТУТИНГ!

чунки у тараққиётимиз кафолати сифатида майдонга чиқмоқда

Яқинда Хоразмда қизиқ, аммо бозор муносабатлари тамойилига ниҳоятда мос воқеа рўй берди. Фермерлик ҳаракатига кенг йўл берилган қишлоқларнинг бирида гўшт нархи арзонлашди. Аксарият шаҳар ва туманларда нархлар пойгаси давом этаётган бир пайтда гўшт баҳоси "ҳовури"дан тушгани, одамлар дилида бозор муносабатларига ишонч ва ихлос туйғуларини оширди.

Тадбиркорликнинг шарофати шу-да! Ҳаёт тадбиркорлик равнақи турмуш барқарорлиги омили эканлигини яққол кўрсатаяпти. Фактлар эса Ўзбекистон тадбиркорлар, ишбилармонлар мамлакатига айланиб бораётганидан далолат бераяпти. Бу, ҳеч шубҳасиз, истиқлолнинг эркинлик сиёсати, кенг қўламли ислоҳот жараёни, бу борада яратилган мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя тизимининг шарофатидир.

Бугун ҳаёт эртанги кунга юксак ишонч билан қараб, яшамоқни тақозо этади. Юртимизда халқимиз ва Йўлбошчимизнинг кўп минг сонли тадбиркорлар оммасига бўлган ишончи, орзу-ҳаваси бу жабҳа меҳнатчилари олдидаги масъулият ва мажбуриятни яққол ифода этади. Ўзбекистонда тадбиркорлик учун очилган йўл мамлакатнинг равнақи ва куч-қудрати учун очилганлиги эндиликда барчага аён. Айни пайтда давр ҳалол, пок, фидойи, меҳнатсевар тадбиркорларники эканлигини ҳам унутмаслик даркор. Чуқурроқ разм солинса, мамлакатда рақобатни ривожлантириш, монополияга қарши кураш соҳасида амалга оширилаётган қўламдор саъй-ҳаракатлар ҳам, авваламбор, тадбиркорлар манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишлари стратегик мақсадга хизмат қилади. Айни кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 200 мингдан зиёд тадбиркорлик ўчоқларининг аксарияти айни пайтда истеъмолчи ҳам ҳисобланади. Тадбиркорларнинг бири тайёр маҳсулотларни тасарруф этиш, бошқаси эса ҳом ашёни қайта ишлаш ёки турли хизматлардан фойдаланиш бўйича истеъмолчидир. Ҳозир биргина Хоразм вилоятида 11 мингга яқин турли тадбиркорлик ўчоқлари фаолият кўрсатаяпти. Сўнгги уч ойнинг ўзида 582 та микрофирма, 36 та кичик ва ўрта корхоналар, 344 та фермер, 45 та деҳқон хўжаликлари ташкил топди. Шулар эвазига 2634 та янги иш ўринлари очилди. Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида эса тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан жами 1 миллиард 795 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Аммо одамларнинг тобора ортиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун булар ҳали етарли эмас. Ҳаётнинг талаби бўлакча: ютуқлар мустаҳкамланмоғи, камчилик ва нуқсонлар эса барҳам топмоғи даркор.

Кўпчилик биладики, мамлакатда истеъмолчи аталмиш омма мавжуд. Биз уларни мамлакатнинг бутун аҳолиси десак-да, янглишмаймиз. Бу ёғини сўрасангиз, мамлакатимизнинг асосий бойлиги, суянчи ва ишончи ҳам ана шу омма — 25 миллионли халқимиз. Мамлакат истиқболи улар қўлида. Бунёдкорлик — халқ эзиммасидаги энг масъулиятли ва шарофатли вазифа. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш маҳкамалари зиммасига давлатимизнинг ана шу ғамхўрлигини ҳамма жойда кенг намоён этиш вазифаси юклатилган. Бу шарафли ва масъулиятли вазифани адо этиш учун йўллар доимо очиқ. **"Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат", "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Табиий монополиялар"** ва **"Реклама тўғрисида"**ги қонунлар ана шу ғамхўрликларнинг яққол намунасигина бўлиб қолмай, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асосларини ҳам кўрсатиб беради.

Ҳаётимизда рўй бераётган айрим ўсиш ва янгиланишлар эса мазкур қонунлар шарофати билан юзага келаётганлигини илғаб олмоқ даркор. Чунончи 4-5 йиллар муқаддам Урганч шаҳрида воҳанинг қарийб барча аҳолисига якка-ю ягона йўловчи ташиш автокорхонаси хизмат кўрсатар, унинг нархи ва хизмат сифати одамлар ўртасида ҳақли эътирозларга сабаб бўларди. Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантиришга доир янги қонуннинг қабул қилиниши мазкур автокорхонанинг "салтанати"ни жиловлаб қўйди. Натижада вилоят маркази ва бошқа шаҳар ҳамда туманларда хусусий тадбиркорликка асосланган бир нечта автоуюшмалар вужудга келди. Шу боис ҳозир вилоятда йўловчи автоуловлар муаммоси тўлатўкис барҳам топди. Энди вилоятда ҳар бир йўналишнинг ўз "эгаси" бор. Улар махсус тендерларда ғолиб чиққан, хизматга ҳозиру нозир, уддабурро ва ҳалолликни кўзлаган тадбиркор автотранспортчилардир. Тендерларнинг ғолиблари орасида шахсий автотранспорт эгалари уюшмалари кўпчиликни ташкил этади. Бир неча йиллар муқаддам пойгани бой берган "Урганч йўловчиташиш" ҳиссадорлик жамияти ҳам энди ғафлат уйқусини тарк этган.

Жамоа тендер савдоларида Урганч шаҳри ва туманларароро йўналишларнинг бир нечасини ютиб олишга муваффақ бўлди. Мазкур жамоа хизматининг энг ибратли жиҳати: йўлкиранинг хусусий транспорт воситаларига қарагандa 2-3 баравар арзонлигидир.

(Давоми иккинчи бетда)

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҚАДРИНИ БАЛАНД ТУТИНГ!

Чунки у тараққиётимиз кафолати сифатида майдонга чиқмоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Айни пайтда камчилик ва нуқсонлардан ҳам жиддий хулоса чиқариш жоиздир. Зеро, юқорида қайд этилган қонунларнинг ижроси ва назорати юзасидан вилоятда амалга оширилаётган ишлар салмоғи анчагина. Ҳудудий бошқарманинг вилоятдаги "Ипак газлама" ҳиссадорлик жамиятида ўтказган режали текшириши натижалари бир қарашда икир-чикир туюлиши мумкин. Аммо масала чуқурроқ таҳлил этилса, 2001 йилга келиб корхонани синишга олиб келган ана шу икир-чикирлар ортидаги ўпирилишлар ва ундан тадбиркорлар ҳамда истеъмолчилар кўрган моддий зиён кўлами намоён бўлади. Хуллас, хўжалик суди қарийб 77,1 миллион сўмлик кредитор ва арзимас 968 минг сўмлик дебиторлик қарзлари мавжуд бўлган "Ипак-газлама"ни "синган", деб эътироф этгач, корхона монопол микёсда етказиб бераётган икки хил маҳсулот — "веллюр" ва "помбархат" газламаларни ишлаб чиқариш буткул тўхтади. Монопол мавқенинг бу тахлит бой берилиши чиндан ҳам ачинарли ҳол.

Тадбиркорлар ва оддий истеъмолчилар "Қўшкўпир силикат ғишт" корхонасидаги талай қусурлардан ҳам азият чекдилар. Ўтказилган текшириш корхона "етказиб берувчи" ва "сотиб олувчи" ўртасида тузилган шартномада нуқул бир тараф — харидорнинг мажбуриятлари кўрсатилганлигини тасдиқлади. Шартномада "етказиб берувчи" зиммасига биронбир мажбурият олмагани унинг "монопол хўжайинлик" туйғусига ўралашиб қолганидан яққол далолат беради. Айни пайтда корхона бир хил маҳсулотни ҳар хил нархларда сотганига ҳам тушуниш қийин. Истеъмолчининг мажбуриятлари-ю, "сотувчи", "таъминотчи" ёки "хизмат кўрсатувчи"нинг манфаатлари ўзининг равшан ифодасини топган бундай шартнома ҳужжатлари вилоят "Сувоқава", "Иссиқлик манбаи", "Шовот-ғишт", "Урганч-автогаз" каби корхона ва ташкилотларда ҳам бемалол амал қилаётганига гувоҳ бўлдик.

"Ўзтемирйўловчиташиш" давлат корхонасининг Хоразм шаҳобчасида ҳам ғалати манзарага дуч келинди. Амалдаги қоидага мувофиқ бу ерда мижозларга ахборот хизмати бепул кўрсатилиши шарт. Бироқ мазкур даргоҳда "беминнат хизмат" амалда миннатли хизмат, яъни пуллик хизмат дўндирилибди ва натижада истеъмолчи аталмиш мижозларнинг 193,3 минг сўм пули куппа-кундузи ўмариб қолинибди.

Ҳудудий бошқарманинг режали текширишлар жавонида бундай "самарали" назорат тадбирларига оид "иш"лар анчагина. Унда нуқул салмоқли ёки шовшувли камчиликлар излаб топилган текширишлар, айни пайтда ибратли ютуқлар, тажриба ва ташаббусларга доир "семиз жилд"ларни ҳам топиш мумкин. Бошқарма 62 тур маҳсулот ва хизмат билан монопол мавқени эгаллаб турган 45 та жамоанинг фаолиятини доимо кузатиб келаяпти. Ушбу йилнинг ўзида муқаддам ўзининг 6 хил маҳсулоти ёки хизмати билан устун мавқени эгаллаб келган 3 та хўжалик субъекти монопол корхоналар сафидан чиқарилди. 5 турдаги моли ва хизмати билан монопол мавқени қўлга киритган 5 та корхона эса рўйхатга киритилди. Ният бозор ҳукмронлигини қўлда сақлаётган субъектларни (табиий монополиялардан ташқари 10 та маҳсулоти ёки хизмат билан устунлик қилаётган 10 та корхона) имкон қадар қисқартириб, тадбиркорлик корхоналари, хўжаликлари фаолияти, улар яратаётган моддий неъматларга янада кенг йўл очишдан иборат. 2001 йилнинг дастлабки ярмида 143 та хўжалик субъектининг фаолияти 24 хил маҳсулотлар ва хизматлар бўйича ўрганиб чиқилди, 70 та жамоада эса таҳлил тадбирлари ўтказилди. Монопол субъектлар рўйхати айнан ана шу таҳлиллар якунига қараб тартибга солинди. Шуларни инобатга олса, вилоятда монопол ҳукмронликни сақлаб қолиш ёки унга томон интилиш, рақобатни ривожлантиришга тўсиқ солиш, ишбилармонлар, истеъмолчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситиш каби ножоиз ҳолларда жами 4 миллион сўмликдан кўп жарималар қўлланилганлиги қайд этилган хатти-ҳаракатларга берилган адолатли баҳодир. Халқимизнинг бағри кенг. Эл-улусга қилинган бир эзгулик эртага илкингизга иккига дўниб қайтиши шубҳасиз. Шундай экан, юртини улуғлаган, унга ҳалол хизмат қилган ва халқини қўллаганнинг толеи ҳамиша баланд бўлади.

Ўринбой АБДУЛЛАЕВ,
Хоразм вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи,
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия тизими

САМАРҚАНД

Адлия бошқармасига ўтган ойда хўжалик юритувчи субъектлардан жами 23 та ариза-шикоят тушди.

* * *

Биргина июл ойида хўжалик судига 28 та даъво аризаси киритилди. Мазкур даъво аризалари 20 миллион 106 минг 719 сўмлик дебиторлик қарзларни ундириш тўғрисидадир. Фуқаролик судига эса киритилган 3 та даъво аризаси айбдорлардан I миллион 879 сўмни ундиришга қаратилган.

* * *

Гўзалкент туманининг Эшбўриев номидаги хўжаликда яшовчи А.Эштурдиев ва бошқалар томонидан фермер хўжалиги ташкил этишга туман ҳокимлиги томонидан тўсқинлик қилинаётганлиги ҳақида ариза берилганди. Ёзма мурожаат ўрганилиб, туман ҳокими номига адлия бошқармаси тақдимнома киритди.

* * *

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда "Турон таҳлил" аудиторлик шуъба корхонаси томонидан **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"**ги Қонун талабларига зид ҳолда Нарпай туманида 14 та жамоа ва ширкат хўжаликлари билан аудит текшириши ўтказиш тўғрисида мажбуран шартнома тузилган. Қонун бузилишига йўл қўйилмади. Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.Жўраев номига тақдимнома, "Турон таҳлил" аудиторлик шуъба корхонаси раҳбари А.Тошпўлатов номига ёзма огоҳлантириш киритилди.

Байрам нафаси кезинаётган юрт

Бугуннинг нафаси

ЖАҲОННИ ЗАБТ ЭТАЁТГАН АЁЛ

Мамлакатимизда **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"**ги Қонун амалга киритилганига икки йилдан ошди. Ҳозирга қадар вилоят адлия бошқармаси томонидан 508 та нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари рўйхатга олиниб, фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ўттиздан ортиқроғи хотин-қизлар ташкилотларидир. Мазкур нодавлат ташкилотлар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий соҳаларида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда. Айниқса, вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмаси фаолияти бу борада намуна олишга лойиқ.

Уюшма ташкил этилганига ўн йил бўлди. У ўзининг мингдан ортиқ аъзосига эга. Асосий мақсади — бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида аёлларга тадбиркорлик асосларини ўргатиш, фаолиятларини тўғри юритишларига кўмаклашишдир. Бунинг учун хотин-қизларга маркетинг ва менежмент асосларини ўргатиш, бизнес режалар тузиш, корхонанинг молиявий фаолиятини тўғри бошқариш бўйича кўплаб ўқув курслари, семинарлар ташкил қилмоқда. Жумладан, шу йилнинг 20 майидан 15 июнига қадар АҚШнинг Оклохома Давлат университети ўқитувчилари билан ҳамкорликда уюшма қошида аёлларга бизнес сабоқларини ўргатиш ўқув семинарлари уюштирилди.

Уч йилдирки, уюшма Германиянинг Майну ҳунармандлар палатаси билан ҳамкорлик қилмоқда. Қўшимча лойиҳалар асосида аёлларни касбга ўқитиш ва малакаларини ошириш курслари ташкил этилган. Мазкур курсларда 200 нафардан ортиқ аёллар билим олиб, тикувчи, сартарош, ошпаз-қандолатчи, зардўз, гиламдўз касбларига эга бўлди. Ўқув курслари негизида "Тўмарис" ҳунармандлар маркази ташкил топди. Ҳозирги пайтда марказ ипак ва тери билан ишлаш, зардўзлик, гиламдўзлик, тикувчилик, нақкошлик, сопол буюмлар ясаш каби миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган 70 нафардан ортиқ аёлни бирлаштирган. "Тўмарис"да тайёрланган ҳунармандчилик буюмлари Тошкент, Бешкек, Олмаота, Англиянинг Лондон шаҳарлари, АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йорк штатларида ўтказилган кўргазмаларда намойиш этилган.

Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўлиб ўтган лидер аёллар халқаро анжуманида уюшма раиси Ҳадича Жафарова иштирок этганди. Ушбу анжуманда у Англия Халқаро хотин-қизлар федерациясига аъзоликка қабул қилинди. Яқинда федерациянинг Австралия бўлими Президенти Элла Кенан хоним бошчилигида бир гуруҳ фаол аёллар Самарқанд вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасига ташриф буюрди. Бир ҳафта давом этган ташрифдан мақсад халқаро хотин-қизлар федерациясининг Ўзбекистон бўлимини ташкил қилишга қаратилган.

Юртбошимиз Ислом Каримов **"Чет эллар билан алоқа қилмаган ташкилотнинг келажаги ҳам йўқ"**, деб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, уюшма юқоридагилардан ташқари яна бир қанча ривожланган давлатларнинг жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш кўряпти. Пастдарғом, Ургут, Окдарё туманларида эса филиаллари ишлаб турибди. Бошқа туманларда ҳам шундай филиаллар очиш режалаштирилган. Умуман, **"Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"**ги ҳуқуқий ҳужжат жамиятимизда катта куч бўлган хотин-қизларнинг чексиз имкониятлари ишга солинишида қонун устуворлиги билан алоҳида қимматга молик бўлаётир.

Насрулло БЕРДИЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси

Адлия тизими

ЖИЗЗАХ

Зафаробод туманидаги "Турон-юрт" фермер хўжалиги тумандаги МТП ДАЖ билан 1999 йил 19 январда №36-сонли 161.303 сўмлик, 1999 йил 20 ноябрда №57-сонли 438.806 сўмлик жами 600.109 сўмлик механизациялашган ишларни бажариш учун шартнома тузган.

Аммо МТП ДАЖнинг "Турон-юрт" фермер хўжалигига шартномада кўрсатилган механизациялашган ишларини бажармаганлиги оқибатида фермер хўжалиги 1999 йилда пахта ҳосилидан 1.046.000 сўм, маккажўхори ҳосилидан 944.000 сўм, жами 1.990.000 сўм, 2000 йилда пахта ҳосилидан 500.000 сўм, маккажўхори ҳосилидан эса 225.000 сўм, жами 725.000 сўм, ҳаммаси бўлиб икки йилда 2.715.000 сўм моддий ва 380.000 сўм маънавий зарар кўрган.

Ушбу ҳолат юзасидан Жиззах вилоят адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, судга даво аризаси киритиб, "Турон-юрт" фермер хўжалиги фойдасига 3.092.430 сўм моддий зарар ҳамда жарима, "Турон-юрт" фермер хўжалиги раиси Жонибек Эсонбеков фойдасига 30.000 сўм маънавий зарар ундириб берилди.

Муносабат

ИМКОНИЯТ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Сир эмаски, иш бошлашга киришган тадбиркор ҳужжатларни расмийлаштириш давридаёқ турли-туман бюрократик тўсиқларга дуч келади. Айниқса, қишлоқлардаги тадбиркорлар бўлар-бўлмасга туман маркази, баъзан эса вилоят марказидаги идораларга қатнаб, сарсон-саргардон бўлишади. Бундай ҳолатлар бизнинг вилоятимизда, хусусан, Қоровулбозор, Шофиркон, Жондор, Пешку туманлари ҳокимликларида кўпроқ учрамоқда.

Жумладан, Жондор тумани фуқароси Бақо Мухторов тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун туман ҳокимига ариза билан мурожаат қилган, аммо унинг аризаси туман ҳокимлиги девонхонасида рўйхатга олинмаган. Б.Мухторовга туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси томонидан муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳнома берилган. Ҳолбуки, бундай ваколат фақат туман ҳокимликларидагина бор.

Ушбу туман фуқаролари Ҳ.Ҳасанов, М.Умаровларга ҳам якка тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалар (юқоридаги тартибда) қонунга зид равишда берилган.

Бундай қонунбузарлик ҳолатлари хўжалик субъектлари фаолиятини текширишда ҳам содир этилган. Чунончи, Жондор тумани ДСЭНМга мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан тумандаги 7 та ширкат хўжалигини текширишга рухсат берилган бўлса-да, бироқ ДСЭНМ ходимлари томонидан 14 та ширкат хўжалигининг фаолияти текширилган, яъни биргина шу ҳолатнинг ўзида 7 та ноқонуний текшириш ўтказилган.

Адлия бошқармаси ўзининг ваколат доирасида барча мутасадди идоралар ва муассасалар билан ҳамкорликда юқорида қайд этилган ва бошқа хато ҳамда камчиликларни бартараф этиш учун зарур бўлган ташкилий, амалий ишлари амалга оширмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шартнома муносабатларини тўғри йўлга қўйиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликда барча туман ва шаҳар ҳокимликларида ширкат хўжаликлари раҳбарлари, тайёрлов ташкилотларининг масъул ходимлари, фермерлар ва тадбиркорлик субъектлари иштирокида хўжалик шартномаларини тузиш, хўжалик судига мурожаат қилиш тартиби ва суд қарорларини ижро қилиш тўғрисида семинар йиғилишлари, шунингдек, барча туманларда тадбиркорлар билан давра суҳбатлари ўтказилди.

Шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиш мақсадида барча қишлоқ хўжалик корхоналари, ширкат хўжаликларида тузилган шартномалар ўрганиб чиқилди. Адлия ходимларининг амалий ёрдами билан 705 та (742.061.000) сўмлик ички хўжалик, 35 та (425.250.000) сўмлик ташқи шартномалар қайта туздирилди. Тузилган 504 та (165.780.000) сўмлик шартномалар нотўғри тузилганлиги аниқланиб, улар қайта расмийлаштирилди. Вилоят адлия бошқармасида "Ишонч телефонлари" ташкил қилинган. Кичик ва ўрта бизнес субъектларини, фермер хўжаликларини, оила пудратчиларини ва бошқа субъектларнинг манфаатларини кўзлаб, 2001 йилнинг биринчи ярмида туман, шаҳар судларига ва вилоят хўжалик судига 553 та 311.826.289 сўмлик даъво аризаси киритилди

Умуман, қонунбузилишларини бартараф этиш бўйича адлия бошқармаси томонидан 2001 йилнинг биринчи ярмида 61 та бажарилиши мажбурий бўлган тақдимнома, 18 ва огоҳнома киритилиб, шундан 38 нафар мансабдор шахсга нисбатан ҳайфсан, 87 нафар шахсга нисбатан ойлик иш ҳақидан чегириб қолиш ва 3 нафар мансабдор шахсни эгаллаб турган лавозимидан қуйи лавозимга тушириш каби интизомий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, шартнома муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, ички оила пудрати, умуман, хўжалик шартномаларининг бажарилишини назорат қилиш борасида муайян ишлар қилинди. Лекин бажарилган ишлар қўлами давр талаблари даражасида, дея олмаймиз. Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда ҳамда Адлия вазирлигида айни шу масалага бағишлаб ўтказилган йиғилишда олдимизга янги вазифалар қўйилдики, уларни бажариш учун барча имкониятлар мавжуд.

Нишонбой ХЎЖАЕВ,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

ДАРЁ БЎЙИДА СУВСИЗ...

"Аслонбой" фермер хўжалигини 1999 йил август ойида ташкил этган эдик. Фермер хўжалигимизга 15,8 гектар ер ажратишган. Зарафшон дарёси бўйида деҳқончилик қилаяпмиз. 2000 йили К.Раҳимов номидаги ширкат хўжалиги раиси Одил Ражабов, бош ҳисилот Барно Файзиев, бригада бошлиғи Аҳмад Аъзамовларнинг атай сунъий тўсиқлар қўйишларига қарамай, пахта ва ғалла топшириш шартнома режаларини 120 фоизга бажардик. Айниқса, 10 гектар майдондаги пахтани парваришлаш осон бўлмади. Ғўза айни сувга келганда, юқорида исми шарифи қайд этилган раҳбарларнинг нотўғри муносабати туфайли анчагина ҳосилдан айрилиб қолдик. Ғўзанинг гули тўкилиб, кўп зарар кўрдим. Чунки маҳаллий раҳбарлар сувни пахтазорга эмас, балки шахсий экин ерларига ва қариндошларининг ерларига йўналтиришди. Бундай ғирромликларни ҳокимият ва бошқа идоралар эшигида сарғайиб, илтимос қилиб, тортишишлар билан енгишимга тўғри келди.

Нимасини айтай, ўтган йилга ахвол, бу йил ҳам такрорланмоқда. Техникадан фойдаланиш учун шартнома тузишдан бош тортишди. Натижада чигит ва ғалла муддатидан анча кеч экилди. Ерга етарлича ишлов берилмади. Техникани эса қўшни хўжаликдан олишга мажбур бўлдик. Ана шундай қийинчиликларга қарамай, 5 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил кўтардик. Шартнома топшириғи ошиғи билан уддаланди.

Бу йил ҳар гектар майдондан 30 центнердан пахта топширишга шартнома тузганмиз. Лекин айни дамдаги ахвол билан шартнома режасини уддалашга кўзим етмай турибди. Нега деганда, бугунга қадар сувсизликдан ғўза ҳосилининг учдан икки қисми тўкилиб кетди. Бу ахволни видеотасвирга ҳам тушириб қўйганмиз. Ачинарли ахвол ҳақида тегишли раҳбарларга ҳам хабар бердик. Лекин ҳеч ким бизга қайишмаяпти.

Ахир, Юртбошимиз фермерларга кўмак бериш, уларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида ёниб-кўйиб гапираяпти-ю, айрим маҳаллий раҳбарларнинг парвойи-палак. Ҳар бир деҳқон ерга катта умид билан уруғ сочади. Деҳқон ердан кўзлаган ҳосилини кўтарса, турмушимиз янада фаровон бўлади. Шу оддий ҳақиқатни ҳам айрим раҳбарлар тушуниб етмагани кишига оғир ботади. Бугун ҳосил тақдири ҳал бўлаётган палларда бир лаҳза бой берилса, эртага кўзланган ҳосилни олиб бўлмайди.

Шу маънода менга ёрдам беришингизни илтимос қиламан.

Карим АСЛОНОВ,
Навоий туманидаги "Аслонбой" фермер хўжалиги раҳбари

ТАҲРИРСИЗ МАКТУБЛАР

РАИС ҚОНУНДАН ЗЎР...(МИ?)

Ҳурматли таҳририят!

Ушбу хатни катта умид билан йўллаяпмиз.

Келинг, ҳаммасини бир бошидан ҳикоя қилиб берайлик. Биз Жиззах вилоятининг Мирзачўл туманида яшаймиз. Мамлакатимизда фермерлик ҳаракати бошланганида, биз ҳам юртимизнинг фаровонлиги учун ҳисса қўшайлик, деган мақсадда фермер хўжалиги ташкил этдик. Афсуски, аввалбошда бу хайрли ишнинг йўлига бунчалар кўп сунъий ғовлар қўйилишини билмаган эканмиз.

2000 йилнинг декабрь ойида туманмиз собиқ ҳокими Холиқул Эргашевнинг 512-сонли қарори билан бизнинг "Қўйтош", "Шоҳсанам", "Ердаулет" номли фермер хўжаликларимиз ёпиб қўйилди. Ҳокимнинг бундай ноқонуний қарор чиқаришида "Пахтазор" фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Ҳайдар Абдураҳмоновнинг "хизмати" катта бўлди.

Бундай дейишимизнинг бежиз эмас, албатта. Биз туман деҳқон-фермерлар уюшмаси вакиллиги аъзосимиз. Лекин ер майдонларимиз "Пахтазор" фермер хўжаликлари ҳудудида. Раис Ҳ.Абдураҳмонов бизга уюшма таркибидан чиқиб, фермер хўжаликларига аъзо бўлишни таклиф қилган эди. Биз бу таклифни қабул қилмаган эдик. Мана энди раис "куч-"ини кўрсатаяпти.

Ҳ.Абдураҳмонов 2000 йилнинг ноябрь ойида "Пахтазор" фермер хўжаликларининг "Қўйтош", "Шоҳсанам", "Ердаулет" фермер хўжаликларини тугатиш тўғрисидаги қарорини чиқариб, ҳокимликка киритган. Аслида, бу қарор ҳам ноқонуний. Чунки юқорида айтганимиздек, биз "Пахтазор" фермер хўжаликларининг аъзоси эмасмиз. Шундай экан, фермер хўжаликлари раиси бизнинг фаолиятимизни тугатиш ҳақида қарор чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Афсуски, мана шу оддийгина ҳақиқатни туман ҳокими ҳам тушунишни истамади. Шу тариқа унинг 512-сонли қарори пайдо бўлди. Биз учун битмас-туганмас оворагарчилик бошланди.

Биз йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолати юзасидан туман прокурори С.Тошевга мурожаат қилдик. Туман прокурори аризамизни кўриб чиқиб, даъвомизни тўғри, деб топди ва 2001 йилнинг 14 февралида туман ҳокимлигига 512-сонли қарор юзасидан 7/ 01 сонли протест киритди. Буни қарангки, ҳоким ҳам ўз хатосини дарров англаб етди. Унинг туман прокурори номига ёзган жавоб хатида қарор бекор қилингани ва ҳар учаламизга ерларимиз қайтариб берилгани қайд этилган. Биз ҳақ ўз ўрнида қарор топганидан бениҳоят қувондик.

Афсуски, эрта суюнган эканмиз. Чунки бундан кейинги оворагарчиликларимиз аввалгиданда, ошиб тушди. Раис Ҳ. Абдураҳмонов бу қарорни тан олмади. Биз яна ерсиз қолавердик. Туманда додимизни эшитадиган қулоқ топилмади. Бошимизни урмаган тешик қолмади, ҳисоб. Бошни ғурра қилдигу, лекин қонуний ерларимизни қайтариб ололмадик.

Хуллас, бошимизни ура-ура охири республика миқёсида нашр этиладиган газеталарга шикоят йўлладик. Бир эмас, икки газета — "Мулқдор" ва "Ишонч"да бизнинг бузилган ҳақ-ҳуқуқимизни ҳимоя қилган танқидий мақола босилиб қилди. Тўртинчи ҳокимиятнинг кучига ишонганимиз, қоларверса, ҳақиқат, адолат тантана қилишига шубҳамиз бўлмагани боис, кўнглимиз тоғдек кўтарилди. "Энди ўз ҳаққимизни қайтариб оламиз. Эл-юртнинг, бола-чақамизнинг олдида юзимиз ёруғ бўлади", деб ўйладик.

Афсуски, бу гал ҳам эрта суюнган эканмиз. Раис "Менга десанг ўнта мақола чиқмайдими? Бу ерда мен раисман. Шу ерда ишлаб турган эканман, бир марта сизларга ер бермайман", деб юрагидагини айтди-қўйди. Яна югур-югур, чоп-чоп бошланди. Қатнай-қатнай шу йилнинг 16 июлида туман ҳокими вазифасини бажарувчи А. Қобилбековнинг 284-сонли қарорини олдик. Ушбу қарорда ҳам **"Ердаулет", "Шоҳсанам", "Қўйтош" номли фермер хўжаликларига ажратилган ер Ўзбекистон Республикаси Қонунларига асосан қайтариб берилсин"**, дейилган.

Ишонасизми, йўқми ўзингизга ҳавола. Аммо раисимиз бу қарорга ҳам бўйсунмади. Биз қўлимизда ҳокимнинг қарори билан оғзимизни очиб қолавердик.

Балки раис "ким қаерда раҳбар бўлса, ўша ерда ўз қонунини ҳам яратади", деган ақида билан яшаётгандир. Лекин бошқа савол туғилади: нега тумандаги мутасаддилар буни кўриб, кўрмасликка олиб келмоқда? Бунинг сабаби нима билан изоҳланади? Қоларверса, қонун барча учун баробар эмасми?

Бунинг устига фермер хўжаликларимизга қарашли ерларимизни тортиб олгунларига қадар ер майдонларимизга ҳар хил қишлоқ хўжалиги экинлари эккан эдик. Бунга қанча меҳнат, маблағ сарфлагандик. Лекин бугун бу ҳосилларнинг ҳаммасига Ҳ. Абдураҳмонов эгалик қилиб ўтирибди. Очиғи кишига алам қилар экан: ҳам меҳнат қилиб, ҳам оғзингни очиб қолаверсанг!

Яна айтсак тилимиз, айтмасак дилимиз куядиган бир гап бор. "Ердаулет" фермер хўжалиги раҳбари Исматулла Бийманов ҳақиқат қидириб, биз билан баравар олти ой югурди. Аммо бу асаббузарликларни у кўтаролмади, кутилмаганда, дунёдан кўз юмди. Ахир, унинг гуноҳи нима эди? Агар асаблари бузилмаса, унга нисбатан ноҳақликка йўл қўйилмаса, у ҳам бугун бизнинг орамизда бўлиши, болаларига бош бўлиб юриши мумкин эди-ку?!

Тўғри, И.Биймонов вафот этгач, унинг ерларини қайтариб беришди. Ахир, шу ишни унинг тириклигида ҳам қилса бўларди-ку? Наҳотки, биз ҳам қонуний ерларимизни қайтариб олиш учун Исматулла аканинг йўлини тутишимизга тўғри келса...

Сизлардан ягона илтимосимиз шуки, бизнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларимизни тиклашга, бизга етказилган моддий ва маънавий зараримизни "Пахтазор" фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Ҳ.Абдураҳмоновдан ундириб олишимизга ёрдам берсангизлар.

Э. ЮСУПОВ
"Шоҳсанам" фермер хўжалиги раҳбари,
Я. РАҲМАТУЛЛАЕВА,
"Қўйтош" фермер хўжалиги раҳбари,
Жиззах вилояти,
Мирзачўл тумани

ТАҲРИРИЯТДАН:

Азиз муштарий! Мана, яна таҳрирсиз хатларимиз билан танишдингиз. Албатта, биз ҳар бир мактубни эълон қилар эканмиз, бу бир томоннинг фикри эканлигини таъкидлаб ўтамиз. Шунингдек, иккинчи томоннинг фикрини ҳам газетада чоп этишга тайёр эканлигимизни яна бир карра сизларга эслатиб ўтишни лозим топдик.

Ушбу мактублар юзасидан эса Навоий ва Жиззах вилоятидаги мутасадди идораларнинг жавобларини кутиб қоламиз.

"ҚАРИНДОШЛАР, ОЛҒА!"

ёки тадбиркорлик йўлига ғов бўлаётган таниш-билишчилик ҳақида тўқилмаган чўпчак

Бир чўпчак айтай, ёлғон десангиз, келиб кўрарсиз.

Узоқ-яқин Сирдарёнинг "Малик" аталмиш томонида "Раҳим бобо" деб номланган деҳқон хўжалиги бор экан. У 1995 йилдан 1999 йилгача чунон гуллабяшнабдики, кўрганлар ёқа ушлаб, эшитганлар лабни тишлаб, эшитмаганлар энсасини қашлабди. 10 йил муддатга 5 гектар экин майдонини ижарага олган оилавий деҳқон хўжалиги ҳисобида 235 минг сўм пул ҳам бор экан.

Кунлардан бир кун ана шу деҳқон хўжалиги бошига кўргулик тушибди. 1999 йили "Малик" ширкатлар уюшмаси санацияга тушганлиги сабабли, деҳқон хўжаликлари тугатилибди. Уюшманинг ташқи бошқарувчиси Исоқул Қўшбоқов "Санация муносабати билан деҳқон хўжаликлари фаолияти тўхтатилади", деб эълон қилибди.

Бу орада ер майдони 10 гектардан кам бўлган деҳқон хўжаликлари тугатилиб, йириклари фермер хўжаликларига айлантирилсин, деган кўрсатма келганмиш. Бу гапнинг қанчалик ростлиғи ҳеч ким билмади, аммо амалда шундай бўлди. Чунки "Малик" ширкатлар уюшмасининг 1998 йил 15 декабрдаги умумий йиғилиш қарорида деҳқон хўжаликларини тугатиш ҳақида тайинли сўз бўлмаган. Фақат "9 та деҳқон хўжалигидан 60,5 гектар ер қайтариб олинсин. Янги ва кенгайтириш учун таклиф қилинган рўйхатдаги 56 та деҳқон-фермер хўжалигига 547 гектар ер майдони қўшимча равишда берилсин", дейилган экан.

Уюшма ташқи бошқарувчисининг 1999 йил 9 январдаги 2-сонли буйруғида "Раҳим бобо" деҳқон хўжалиги фаолияти ҳам тўхтатилгани айтилган. Бунга сабаб аттестациядан ўтмагани дейилган. Уюшма санацияга тушгани учунми ёки деҳқон хўжалиги раҳбари Бозоргул Раҳимова аттестациядан ўтмадими, буёғи ҳалигача қоронғу. Нима ҳам дердингиз, чўпчак чўпчак-да, уни исталган вақтда айтса бўлаверади— соддадил одамлар ишонаверар экан. Энг ачинарлиси, уюшма бўйича деҳқон-фермер хўжаликлари ҳақидаги қарор ва буйруқлар туман ҳокими тасдиғидан ўтмай қолаверган. Фақат 1999 йил 6 июля келиб туман ҳокими (собиқ) "Малик" ширкатлар уюшмаси умумий йиғилишининг 1999 йил 9 январдаги 2-сонли қарорини кўриб чиқиб, "Малик бобо" номидаги фермер хўжалигининг қишлоқ хўжалик махсулотлари етиштириши учун 5 гектар ер майдони 10 йил муддатга (илгари "Раҳим бобо" деҳқон хўжалиги фойдаланиб келаётган) фойдаланиш учун қўшимча равишда ажратиб берилсин ва жами ер майдони 15 (ўн беш) гектар ерга етказилсин", деб қарор чиқаради.

Бу каби қарорлар синчиклаб ўқиб чиқилса, ўз-ўзидан саволлар пайдо бўлаверади: Уюшманинг 1999 йил 9 январдаги 2-сонли ҳужжати буйруқ эдими ёки қарор? Уюшмадан бизга берилган ҳужжатда буйруқ, деб ёзилган. Ҳоким қарорида эса умумий йиғилиш қарори дейилаяпти. Эҳтимол, бошқа жойда бунинг аҳамияти бўлмас, лекин туман ҳокими қарорига асос бўлиши учун катта аҳамияти бор. Ундан кейин, тўрт йил мобайнида режани ошириб бажариб келган оилавий деҳқон хўжалиги бошлиғини аттестациядан ўтмади, деб ёзиш инсофданми? Деҳқон хўжалигига яна беш-ўн гектар ер ажратиб, уни фермер хўжалигига айлантириш мумкин эди-ку?

Бозоргул Раҳимова аттестациядан ўтмади, деб буйруқ чиқаришгандан сўнг унинг оиласи кайвонилари С.Элоботова ва О.Элоботов 1999-2000 йиллар мобайнида фермер хўжалиги тузиш учун рухсат сўраб, бир неча марта уюшманинг собиқ ташқи бошқарувчиси И.Қўшбоқов ва янги раиси Д.Фозилов номига ариза билан мурожаат этишди. Аммо биронтасига ҳам жавоб олишолмади. Буни уюшманинг раиси Д.Фозилов шундай изоҳлади:

"Мен 2000 йил 5 январдан "Малик" ширкат хўжалигида ишлаяпман. Шу даврда фермер хўжалиги ташкил этиш учун 280 та ариза тушган. Шу сабабдан ҳаммага ер бериш имконияти йўқ..."

Раисга осон эмас экан. Ахир, 278 та аризанинг ҳар бирига қачон жавоб ёзиб улгурарди?! Яна иккитаси-чи? Гофир Фозилов 86 гектар, Ғулом Мирзақулов 78 гектар ер олиб фермер бўлишди. Улардан биринчиси раиснинг укаси, иккинчиси эса раис ўринбосарининг укаси эди. Боз устига Ғ.Фозилов аввал уюшмада ишламаган ҳам.

Энди Д. Фозилов ёзган изоҳнинг давомини ўқинг: "Шу сабабли хўжалик вакиллари кенгаши қарори билан тушган аризалардан фермер хўжалиги (?) техникаси бор ва ерни эплай оладиган фуқароларга ер берилди". Қонун-қоидани ишлатишнинг ҳам муайян чегараси бўлиши керакми-йўқми? Айтинг-чи, кимнинг ота-онасидан техника мерос бўлиб қолган экан? Техника сотиб ололмаганлар-чи? Аслида, фермерга техника ва улов билан уюшма ёки машина-трактор парки хизмат кўрсатиши керак эмасми? Яна қоидада шу уюшмада ишлаганлар фермер хўжалиги тузишда биринчи навбатда ер олсин, деб ёзиб қўйилмаган эканда? Ҳамманинг ҳам яхши яшагиси келади. Чунки бу инсоннинг табиий ҳуқуқидир.

"Малик" ширкат хўжалиги (уюшмасидир, эҳтимол) вакиллар кенгаши ва касаба уюшмаси кенгаши биргаликда 2001 йил 13 мартда ўтказган мажлиси қароридан кўчирма: "... 19 гектар ер майдони фермерга буғдой экилган майдондан берилсин. Фермер Раҳимовага буғдойдан кейин ёки буғдой экилган майдон (?) олиш-олмаслик шарти ҳам инобатга олинсин.

2. Ҳар икки ҳолатни хоҳламаса ер олишдан бош тортди, деб ҳисоблансин!"

Иккинчи шарт раис ва унинг ўринбосари укаларига чиқарилган қарорда йўқ. Бегонага эса шу шартниям ёзиб қўймаса Д.Фозилов хумордан чиқмасди, шекилли.

Энди шу ўринда бир саволнинг туғилиши табиий: нега ушбу мақола чўпчакнома тарзда ёзилди? Чунки одамларга чўпчак айтишни И.Қўшбоқов ва Д.Фозилов бошлади, биз эса давом эттирдик. Улар санацияни одамларга "аждарҳо" қилиб кўрсатишди. Кўрсатма баҳонасида эса майда деҳқон хўжаликларини тугатишди. Ширкатнинг янги раиси "Қариндошлар, олға!" деб иш бошлади. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини ҳозирча ҳеч ким билмайди. Ҳа-ҳа, ҳозирча! Чунки тез орада бу масалага ойдинлик киритилса, ажаб эмас.

Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Сессия олдидан

СУД ҲОКИМИЯТИ: КЕЧА ВА БУГУН

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган қонунлар қабул қилиниши кўзда тутилган. Жумладан, "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва процессуал кодексларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида", "Прокуратура тўғрисида" (учинчи ўқиш), "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунлар лойиҳаси (иккинчи ўқиш) кўриб чиқилади.

Хўш, "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасининг тайёрланишини қандай зарурат тақоза этди? Қолаверса, мазкур қонун ҳуқуқий ислоҳатларни янада чуқурлаштириш жараёнига қандай таъсир қилади? Олий мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Абдил ТЎХТАШЕВ бевосита ана шу мавзуда мулоҳаза юритади.

Мамлакатимизда суд ҳокимиятини шакллантиришнинг ўзига хос йўлидан борилмоқда. Ҳаётнинг тақозосига кўра судлар тўғрисидаги қонунларимиз ҳам такомиллаштирилмоқда. Мазкур қонун лойиҳаси ҳам ҳаётий зарурият туфайли юзага келди.

Муҳтарам Юртбошимиз биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган нутқида **"Суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Шуни эътироф этиш керакки, бугунги кунда бу тизим самарасиз бўлиб, айрим суд қарорлари узоқ вақтгача ижро этилмаяпти. Ҳар бир суд қарори сўзсиз бажарилишини таъминлашга имкон берадиган пухта механизм барпо этилгани йўқ... Суд қарорлари ижросини тартибга солиб турувчи қонун қабул қилиш талаб этилмоқда"**, деган эдилар.

Дарҳақиқат, ҳозирда суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш 1963 йилда қабул қилинган Гражданлик процессуал кодекси нормалари асосида амалга оширилмоқда, суд ижрочилари мақомини белгиловчи қонун эса умуман йўқ. Бу ўз-ўзидан суд ижрочилари фаолиятининг самараси паст бўлиши, жуда кўплаб ижро ҳужжатларининг ижро этилмасдан қолишига олиб келмоқда.

Қонун лойиҳаси 12 боб, 90 моддадан иборат. Унинг биринчи бобида умумий қоидалар баён этилган бўлиб, мазкур қонуннинг мақсади, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари жумласига қайси қонун ҳужжатлари кириши, ижро этиш органлари ва ижро асослари ҳамда ижро ҳужжатлари ҳақида тушунча берилган.

Ушбу қонун суд ҳужжатлари, шунингдек, жисмоний ёки юридик шахслар зиммасига пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни ўзга шахсларга бериш, улар фойдасига муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёки бундай ҳаракатларни амалга оширишдан ўзини тийиш мажбуриятларини юклаш ҳуқуқи берилган бошқа органларнинг ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

Ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш органи сифатида суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўлинмалари белгиланиш билан биргаликда, (қонунда назарда тутилган ҳолларда) айрим ижро ҳаракатларини амалга ошириш солиқ органлари, банклар ва ўзга юридик шахслар, шунингдек, жисмоний шахслар зиммасига юкланиши мумкинлиги тўғрисидаги қоида ҳам киритилган.

Лойиҳанинг 5-моддасида суд ҳужжатларининг ижро асослари кўрсатилган бўлса, 7-моддада эса ижро ҳужжатларининг рўйхати берилган бўлиб, буларга фуқаролик, хўжалик судларининг қарорлари, ажримлари, жиноят ишлари бўйича чиқарилган қарорларнинг мулк ундиришга оид қисми, нотариусларнинг ижро хатлари, меҳнат низоларини кўрувчи комиссиялар қарорлари, ўзбошимчалик билан уй-жойни эгаллаган ёки босиб қолган хавфи бўлган уйларда яшовчи шахсларни маъмурий тартибда кўриб чиқиш тўғрисидаги прокурорларнинг қарорлари ва бошқа шу кабилар киради.

Лойиҳанинг 8-моддасида ижро ҳужжатларига қўйиладиган талаблар баён этилганки, бу ижро ҳужжатининг мукаммал бўлишинигина таъминлаб қолмай уни ижро этиш жараёнида айрим тушунмовчиликлар келиб чиқишининг ҳам олдини олади.

Қонун лойиҳасининг иккинчи бобида ижро ишини юритишда иштирок этувчи шахслар: тарафлар — ундирувчи ва қарздор, вакиллар, холислар, мутахассислар ҳамда бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқий муносабатлари белгиланганки, бу ижро жараёнида қонунийликни таъминлашда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Лойиҳада ижро ҳаракатларини амалга ошириш шартлари ва жараёни белгиланган. Унда таъкидланишича, ижро жараёни суд ижрочиси ижро ҳужжатини суд ёки бошқа органдан ёхуд ундирувчидан ижро учун қабул қилиб олиши ва ижро ишини юритишни қўзғатиш ҳақида қарор чиқаришидан бошланади. Агар ижро ҳужжатига нисбатан қўйиладиган талаблар бузилган ёки ижро ҳужжатларини ижрога топшириш муддатлари ўтказиб юборилган бўлса, ижро ҳужжатини суд ижрочиси иш юритишга қабул қилмайди ва бу ҳақида қарор чиқаради.

Яна лойиҳадан шундай қоида ўрин олганки, ижро ҳужжатларини ижро этишда дастлаб унинг талабларини ихтиёрий ижро этиш учун қарздорга муддат белгиланади, агар қарздор белгиланган муддатда ижро этмаса, унга жарима солиниб, ижро ҳужжатидаги талаблар мажбуран ижро этилади.

Ижро тезкорлигини таъминлаш мақсадида кечиктирир бўлмайдиган ҳолларда ижрочига ўзи фаолият кўрсатадиган ҳудуддан ташқарида ҳам ижро ҳаракатларини амалга ошириш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, лойиҳада ижро ҳужжатларини ижро этиш муддати аниқ кўрсатилган. Бу муддат ижро ҳужжати келиб тушган кундан эътиборан икки ой ичида бажарилиши керак. Ёжро ҳужжатларининг алиментлар ҳамда уй ойдан ошмаган иш ҳақини ундириш, қонунга хилоф равишда меҳнат шартномаси бекор қилинган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимни ишга тиклаш, меҳнат шартномасини бекор қилиш асосининг тавсифини ўзгартириш тўғрисидаги, ижро ҳужжатларида баён этилган талаблар дарҳол ижро этилиши ҳужжатда кўрсатилган ёки дарҳол ижро этилиши қонунда назарда тутилган бошқа ишларга доир талаблари дарҳол ижро этилиши тартиби ҳам ҳисобга олинган.

Қонун лойиҳасининг 4-бобида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш асослари ва чоралари, 5-7-бобларида эса мажбурий ижро этиш чораларининг моҳияти ва уларни қўллаш тартиби очиб берилган.

Мулкий хусусиятга эга бўлмаган низолар бўйича ижро ҳужжатларини (жумладан, ишга тиклаш, қарздорни кўчириш ва ундирувчини кўчириб киритиш тўғрисидаги ижро ҳужжатини) ижро этиш тартиби лойиҳанинг 8-бобида берилган.

Табиийки, ижро ҳаракатларини амалга ошириш муайян харажатлар билан боғлиқ. Қонун лойиҳасининг 9-боби бу харажатларни қоплаш тартибини назарда тутади. Ижро ҳаракатларини қарздордан ундириш тартиби белгиланмоқдаки, бу қарздорнинг масъулиятини оширибгина қолмасдан, ижронинг кам харажатлар билан тез амалга ошрилишидан қарздор ҳам манфаатдор бўлишини ва оқибатда ижро ҳужжатларини ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга ҳам ёрдам беради.

Лойиҳанинг 10-бобида Фуқаролик кодекси талабларидан келиб чиқилган ҳолда ундирилган пул суммаларини тақсимлаш ва ундирувчиларнинг талабларини қаноатлантириш навбати белгиланган. Бу нормаларнинг киритилиши бир қарздорга нисбатан бир нечта ижро ҳужжатлари мавжуд бўлганда ундирувчилар ўртасида ундирилган пул суммаларини тақсимлаш масаласида низолар келиб чиқиши ёки айрим суиистеъмоллар содир этилиши эҳтимолининг олдини олади.

Қонун лойиҳасининг 12-боби суд ижрочисининг мақоми масаласига бағишланган бўлиб, бу масала қонунчилигимиз амалиётида биринчи бор ҳал этилмоқда.

Суд ижрочисига ижро ҳаракатларини амалга оширишда зарур бўлган маълумотлар ва тушунтиришлар олиш, ташкилот ва корхоналарда қарздорларга дахлдор ҳужжатлар ижросини текшириш, ижро ишини юритишда иштирок этувчи фуқаролар ва ташкилотларга муайян ижро ҳаракатларини амалга ошириш юзасидан топшириқлар бериш, бинолар, омборларга кириш, мол-мулкини хатлаш, сақлаш, реализация қилиш, жарима солиш каби ваколатлар берилган.

Шу билан бирга суд ижрочиларининг ижро ҳужжатларини ўз вақтида, тўлиқ ва тўғри ижро этиш билан боғлиқ мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйилганки, бу ижро жараёнида суд ижрочисининг ўзига берилган ҳуқуқлардан қонунга мувофиқ фойдаланиши ҳамда ўз фаолиятида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўйилмаслигини кафолатлайди.

Суд ижрочиси ижро ҳаракатларини амалга ошириш жараёнида тарафлар ва бошқа шахслар манфаатларига дахлдор масалаларда, хусусан, ижро иши қўзғатиш, ижро ҳаракатларини кейинга қолдириш, жарима солиш ва шу каби бошқа масалаларда тегишли қарорлар чиқаради.

Ушончимиз комилки, ушбу қонуннинг қабул қилиниши суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ўз вақтида тўла ва сўзсиз ижро этилишини таъминлаш билан бирга жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш даражасини янада оширади.

Ҳуқуқий маърифат

БОЖХОНА НИМА?



** Божхона қандай хизмат?*
** Унинг ваколатига нималар киради?*
** Божхона ҳуқуқи деганда нима тушунилади?*

Мустақилликка эришилганидан кейин мустақил ташқи сиёсат юритила бошланди. Ташқи иқтисодий фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш орқали ташқи иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва бошқа алоқаларни демократиялаштириш, давлат сарҳадларини ва иқтисодий манфаатлари дахлсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Бошқа давлатлар билан алоқаларнинг кучайиши, турли давлатлар юридик ва жисмоний шахсларининг тадбиркорлик ва бошқа мақсадларда мамлакатимизга кириб кела бошлаши, республикамиз фуқароларининг ва юридик шахсларининг чет элларга оммавий тарзда тижорат ва бошқа мақсадларда чиқа бошлаганликлари сабабли мамлакатимиз учун мутлақо янги давлат фаолият тури – божхона ишлари ва божхона қонунчилигини шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Божхона – давлат чегарасидан ўтадиган ва ўтказиладиган молмулклар ҳамда транспорт воситаларини назорат қилувчи, шунингдек, юк эгаларидан белгиланган тартибда бож (пошлина) ва бошқа йиғимларни ундирувчи давлат муассасаси. Божхона давлатнинг иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилувчи органлари сирасига киради. Ҳозирги замонда божхона ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ижроия органлар йиғиндисидан иборат. Дастлабки даврларда божхона иши нисбатан тарқоқ бўлган турли меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинган бўлса, ҳозирги пайтда республикамизда тугал кўринишга эга бўлган, халқаро андозаларга жавоб берувчи божхона қонунчилигининг ягон тизими барпо этилган.

Божхона ишини ҳуқуқий тартибга солишда Олий Мажлис томонидан 1997 йил 29 августида қабул қилинган **"Бож тарифи тўғрисида", "Давлат божхона хизмати тўғрисида"**ги қонунлари, 1997 йил 27 декабрида қабул қилинган Божхона кодекси, шунингдек, Ўзбекистоннинг бир қатор божхонага доир халқаро шартнома ва битимларга қўшилганлиги бу соҳа жадал ривожланиб бораётганидан дарак беради.

Божхона кодекси — божхона иши соҳасидаги асосий ҳуқуқий ҳужжат 9 бўлим, 19 боб, 198 моддадан иборат. Божхона иши — мураккаб, комплекс хусусиятга эга бўлган, турли вазифаларни ўз ичига олувчи кўпқиррали фаолият. Қуйидагилар божхона органлари амалга оширадиган асосий вазифаларни ташкил этади:

— Ўзбекистон Республикаси иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси бож сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этиш ва бу сиёсатни амалга ошириш;

— товарлар ва транспорт воситаларининг божхона чегараси орқали ўтишини тартибга солиш;

— божхона режимини белгилаш ва унга қатъий амал қилишни таъминлаш;

— божхона тарифлари орқали иқтисодий муносабатларни тартибга солиш;

— бож тўловларини олиш йўли билан давлат бюджети даромадлари шаклланишида қатнашиш;

— божхона назоратини ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш;

— божхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятда товарлар номенклатурасини юритиш;

— божхона соҳасидаги контрабанда ва бошқа жиноятларни аниқлаш, уларга чек қўйиш;

— божхона қоидаларини бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларга нисбатан жавобгарлик қўллаш;

— божхона қоидаларини бузишга оид ишларни юритиш (текшириш, суриштириш) ;

— ўз ваколати доирасида валюта назоратини амалга ошириш.

Божхона ҳуқуқи нисбатан янги ва ҳали етарли даражада ўрганилмаган ҳуқуқ тармоғи бўлганлиги сабабли, унинг предмети ва услубига доир хусусиятларни аниқлаштириш анча мураккаб масала. Божхона ҳуқуқнинг мустақил тармоғи эканлиги масаласида ҳуқуқшуносларнинг ўртасида ягона қараш мавжуд эмас. Айримлар божхона қонунчилигигина мавжуд ва божхона соҳаси ҳали йўқлигини таъкидлайди. Бошқалар эса божхона қонунчилиги маъмурий ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи ёки бир бўлаги деб ҳисоблайди.

Фикримизча, божхона ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси ҳисобланиши лозим. Божхона ишига оид ижтимоий муносабатлар турли ҳуқуқ соҳалари — конституцион, маъмурий, маъмурий процессуал, фуқаролик, жиноят, халқаро ҳуқуқ ва бошқалар билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Хўш, божхона хизмати қандай вужудга келган?

Қадимги вақтларда бир хонлик ҳудудидан бошқа мамлакатларга бориш, ўтиш, у ерларда савдо-сотиқ қилиш хон ёрлиқлари берилиши билан боғлиқ бўлган ва савдогарлар ана шундай ёрлиқни олишдан аввал муайян йиғимларни тўлаганлар. Бу йиғимлар олинганлиги тегишли тамға қўйиш йўли билан гувоҳлантирилган. Ҳозирги божхона ишининг илк илдизлари ҳам ўша даврдаги бож ва хирож олиш ишларига бориб тақалади. Рус тилидаги "Таможня"атамаси ҳам туркча сўздан олинган бўлиб, айнан "тамға жин" деган маънони англатади.

Президентимиз Ислом Каримов **"Бугун олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишдаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак"**, деб таъкидлаган эдилар.

Кўриниб турибдики, тарихий воқеалардан келиб чиқиб, уларни чуқурроқ ўрганиб, ҳозирги шароитга мослаш — давр талаби. Зеро, ҳеч бир мустақил давлат аниқ-равшан божхона сиёсатига, бу сиёсатни сўзсиз рўёбга чиқаришни таъминловчи қонунчилик базасига эга бўлмасдан туриб, ўз сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини сақлаб қололмайди.

Ўзбекистон Республикасида божхона ишини йўлга қўйиш жараёнида амал қилинадиган ғоялар божхона ҳуқуқининг тамойилларини ташкил қилади. Қонунийлик, демократизм, кенг қамровли ва умумий божхона бошқарувини амалга ошириш, божхона соҳасида халқаро тажриба ва халқаро ҳамкорлик ютуқларидан фойдаланиш божхона ҳуқуқининг асосий тамойиллари ҳисобланади:

Божхона фаолияти соҳасидаги қонунчилик меъёрлари ва тамойилларига амал қилиш, энг аввало, мамлакатимиз манфаатларига, унинг иқтисодий хавфсизлиги ва дахлсизлиги, жисмоний шахслар ҳамда ҳўжалик юритувчи шахслар қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларининг самарали ҳимояланишига хизмат қилади.

Ботир ЮНУСОВ,
Адлия вазирлиги ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси катта маслаҳатчиси

АЙИРБОШЛАШ ШАРТНОМАСИ

Агар сиз унга оғишмай амал қилсангиз, мулкингиз дахлсизлигини кафолатлайсиз

Бугунги кунда мамлакатимизда мулкдорлар сони ортгани сари ўз мол-мулкини бошқа моддий неъматларга алмаштирувчи кишилар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Бироқ кўпчилик фуқаролар бу жараён нотариал идораларда расмийлаштирилгандан сўнг қонуний тусга кирувчи айирбошлаш шартномаси воситасида амалга оширилишидан тўла хабардор эмас.

Хўш, айирбошлаш шартномаси нима?

Бу муҳим ҳужжат қай тартибда расмийлаштирилади?

Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, айирбошлаш шартномаси бир тарафни иккинчи тарафга бир товарни бошқа товарга алмаштириш йўли билан мулк қилиб топшириш мажбуриятини олувчи ҳужжатдир. Шартнома олди-сотди тўғрисидаги тегишли қоидалар асосида тузилади. Айирбошлаш моҳиятига зид келмаса, алмаштириш йўли билан бирор товарни топшириш мажбуриятини олган тараф сотувчи ва товарни қабул қилиш мажбуриятини олган тараф сотиб олувчи ҳисобланади.

Агар айирбошлаш шартномасидан бошқача йўл тутилмаса, айирбошланадиган товарлар тенг қимматли деб тахмин қилинади.

Уларни топшириш ва қабул қилиш харажатларини эса ҳар бир ҳолда тегишли мажбуриятларни бажарадиган тарафлар зиммасига олади.

Айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас, деб белгиланса, баҳоси айирбошлашга тақдим қилинган товарникидан паст бўлса, товарни топшириши лозим бўлган тараф баҳолардаги фарқни тўлайди.

Агар айирбошланадиган товарлар тенг қийматли эмас, деб тан олинса-ю, уларнинг баҳоларидаги фарқ шартномада назарда тутилган бўлмаса, шартномани бажарганлик учун ҳақ тарафларнинг келишуви асосида белгиланган баҳода тўланади.

Айирбошлаш шартномасининг предмети муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган буюмлар, шунингдек, ҳаракатдаги ва кўчмас мулк ёки бошқа нарсалар бўлиши мумкин.

Айирбошланаётган товарлар тенг баҳода бўлмаса, шартномада бир тарафга маълум пул миқдори кўринишида қўшимча ҳақ тўланишига йўл қўйилади. Қиймат жиҳатидан бундай тенгсизлик тузилаётган шартномада албатта, қайд этилади.

Айирбошлаш шартномаси бўйича қабул қилинган товарни учинчи шахс олиб қўйган тарафдан ҳам, алмаштирган тарафдан ҳам қайтаришни ёки зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қонунда ёки айирбошлаш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, айирбошланадиган товарларга мулк ҳуқуқи икки тарафга тегишли товарни топшириш мажбурияти бажарилгандан сўнггина бир вақтда ўтади.

Биз юқорида айирбошлаш шартномаси ҳақида мухтасар фикр юритдик. Бу тартиб-қоидаларни теран англаш ҳар бир кишига, ҳеч шубҳасиз, ўз мулкларига нисбатан муносабатлари яхшиланишига катта ёрдам беради.

Пойтахт бозорлари

Тошболта НОРҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос

КЎРНАМАК КЎРЛИГИНИ ҚИЛДИ

Боши янчилган илон қандай талвасага тушган бўлса, оз бўлса ҳам илон мисол ўзини ҳар томонга уриб, Ислом динининг мазмун-моҳиятига зид "Ҳизбут-таҳрир" деб аталмиш сохта "таълимот"и ниқобини кийиб олиб, бузғунчиликни ўзига касб қилиб олган, халқимизнинг, юртдошларимизнинг нафратига учраган ватанфурушлар ҳам ондасонда бўлса-да, учраб турибди.

Шундайлардан бири Фарғона шаҳрида яшовчи Абдумалик Қурбоновдир. У яширин, жиноий "Ҳизбут-таҳрир" тўдасига қўшилиб, ўзича "уламо" даражасига кўтарилди. Бошқалар еб, у қуруқ қолгандай, қўлларини мушт қилган ҳолда атрофига ўзига ўхшаганларни тўплаб, қоп-қоп ваъдалар бериб, туҳмат, иғво, бўлар-бўлмас гапларни уларнинг миясига қуйишга уринди. Аммо вос-вос кимсадек алаҳсираши узоққа чўзилмади. У 1999 йил 18 февралда қўлга олиниб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 153-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди ва тергов ҳаракати олиб борилди. Ўшанда А.Қурбонов кўзига ёш олиб, бошқа бу ишни такрорламаслигини, тинч меҳнат билан шуғулланишини айтиб, бет-кўзини юлган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг авф этиш ҳақидаги Фармонига асосан у жазодан озод этилди. Лекин у ўзига кўрсатилган бу бағрикенгликни нотўғри тушинди, шекилли, тағин ўзини нопок йўлга урди. Яна ўша эски ифлос ишни такрорлаб, иғво, пуч ғоялар тўлдирилган варақаларни тарқатаётган пайтда қўлга олинди. Исбот, далилий ашё сифатида ёнидан 200 та, уйини тинтув қилинганда эса шундай варақалардан яна 144 таси топилди.

Тинчлик, осойишталик, фаровонлик ёқмаган бу инсонга бир марта имконият берилган эди. Афсуски, Фарғонанинг сўлим, оромгоҳ кўчаларини, меҳмондўст, меҳнаткаш халқини қадрига етмади, ватанфурушлик қилди. Начора, ҳар ким қилмишига кўра топади, деб шунга айтсалар керак-да.

Эрдавлат ОДИЛОВ

Оталар дейдики:

Ўз ишини топа олган одам саодатлидир; у бошқа саодатни ахтармай қўя қолсин. Унинг қиладиган иши ва яшашдан мақсади бор.

* * *

Умрнинг бутун маъноси мавҳумликни тўхтовсиз забт этиш, тобора ва ҳамиша кўпроқ билишга интилишдир.

ҚОНУНДАН АСЛО ЧЕТЛАШМАНГ!

чунки қонуний хатти-ҳаракат пушаймонликка ўрин қолдирмайди

Бугунги кунда ҳар бир жабҳада қонун устуворлиги ҳаётий заруратга айланиб бормоқда. Оилавий ҳаётимиз ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, оиладаги энг майда, ҳаттоки арзимасдек туюлган масалалар ҳам қонун асосида ҳал этиляпти. Масалан, биргина никоҳни бекор қилиш масаласини олиб кўрайлик.

Одатда, эр-хотининг ўзаро розилиги асосида, ўрталарида вояга етмаган фарзандлар ҳамда мулкий низолар бўлмаган тақдирда Оила Кодексининг 42-моддасига биноан никоҳ ФҲДЁ бўлимида бекор қилинади. Бундан олдин ариза билан келган эр-хотинлар билан суҳбат ўтказилиб, уларга тегишли маслаҳатлар берилади ва ярашиб кетишлари учун уч ой муҳлат белгиланади. Афсуски, ана шу муҳлат ичида баъзан ўзаро аразлашган ёшларнинг ота-оналари шошмашошарлик билан фарзандларини бошқа шахсга турмушга узатади ёки уйлантириб қўяди. Натижада қонуний никоҳи бекор қилинмай бошқа шахс билан бирга яшаган эр ёки хотин иккинчи рўзғоридан фарзанд кўради. Шу боис бундай ҳолатда оталикни белгилаш ҳодисаси йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Ўзимнинг иш тажрибамдан бир мисол келтирсам. Бир гал ажрим масаласида бир отахон хузуримга келиб, қуйидагича мурожаат қилди: "Уғлимизни уйлантирдик. Беш йил аёли билан бирга яшади. Аммо фарзанд кўришмади. Уларнинг никоҳини бекор қилиб беринг". Мен отахонга никоҳни бекор қилиш учун шахсан эр-хотин иккови бу ерга келишлари зарурлигини тушунтирдим.

Бир неча кун ўтгач, яна отахоннинг ўзи келиб, " қизим очиғи, ўғлимни бошқа аёлга уйлантирганмиз, ҳозир фарзанд кутишмоқда. Мен қудалар олдида хижолатдаман. Қонуний никоҳдан кейинроқ ўтказармиз, деб ўйлаган эдик. Энди эса ўғлим биринчи рўзғоридан ажрашишни истамаяпти. Биз энди нима қилайлик, маслаҳат беринг", дея илтимос қилди.

Мен отахонга бу борадаги қонун-қоидаларни обдон тушунтирдим ва шошишганини, ўғлини уйлантиришдан аввал, унинг кўнглига қараш кераклигини, қолаверса, беш йил бирга яшаган аёли қонуний ажрашмагунча ва шундан сўнг ўзи уйланишни хоҳламагунча мажбуран турмуш қуришга ундамасликлари зарурлигини айтдим. Орадан бир неча кун ўтиб, ўша отахоннинг ўғли биринчи хотини билан ҳузуримга келди. Йигит ўзини таништиргач, ота-онасининг қистови билан оиласидан ажрашганини, беш йил бирга яшаган даврида даволанишганини ва шифокорлар фарзанд кўришлари мумкинлигини айтгани, бу ҳақда ота-онасини ҳам хабардор қилишига қарамай бошқа аёлга мажбуран уйлантиришганини айтди. Ота-онаси норози бўлса-да, қонуний ёстиқдоши – кўз очиб кўрган биринчи хотинидан ажрашмаслигини билдириб, "тўғри, мен хато қилдим. Бир бегуноҳ ёш аёлнинг умрини оёқости қилдим. Энди мен нима қилай?" — дея олди, холос...

Шундай кезларда бирон-бир жўяли маслаҳат беришга ҳам ўйланиб қоларкан, киши. Кўп ўтмай йигитнинг иккинчи хотини ўғил кўрди. Қонуний никоҳлари бўлмагани учун ота-она аризасига биноан чақалоққа туғилганлик ҳақида гувоҳнома берилди. Гувоҳномани олаётганда аёл "Ўзимдан хато ўтди. Мен бу йигитнинг "Сиздан фарзандим бўлса, дунёдаги энг бахтли инсон бўламан, кўзингизга қатра ёш қўндирмайман", — дея берган қуруқ ваъдасига ишонибман. Аслида қонуний никоҳдан ўтилгандагина чинакам мустаҳкам оила бўлар экан. Унинг нима учун никоҳдан ўтишни истамаётганини олдинроқ тушунишим керак эди. Мен адашдим", дея кўзида шашқатор ёш билан ўғлини бағрига босди.

Бу вақтда йигит биринчи хотини билан турмушини давом эттириб, улар ҳам фарзанд кутаётган эди. Тез орада улар ҳам ўғил кўришди. Шундан сўнг қайнота-қайнонаси билан яшаб турган иккинчи хотин ўғилчасини олиб, ўз ота-онасининг уйига кетишдан бошқа иложи қолмади. Бундай ҳолатда озорланган ёш она қалбига ким ҳам малҳам бўла оларди, дейсиз.

Ушбу ҳодисани баён этишдан мақсад шуки, бунга ўхшаш ҳолатлар кейинги пайтларда кўпайиб бормоқда. Шу боис ота-оналарга мурожаат қилиб айтмоқчимизки, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Лекин гап фарзандингиз тақдири ҳақида кетаётганда, асло шошилманг! Чунки кўнгил хоҳиши-ю орзу-ҳавас деб қонундан четлашманг! Ҳар бир ишни қонун асосида ҳал қилинг. Шунда ҳечам афсус чекмайсиз.

Марҳабо ОХУНОВА,
ҳуқуқшунос,
Андижон вилояти

Жаҳон тажрибаси

АҚШДА ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Газетамизнинг ўтган сонида "Жаҳон тажрибаси" рукини остида эълон қилинган мақолада Америка ҳаётида адвокатнинг тутган ўрни, мамлакат иқтисодий ривожланишида бизнес-адвокатуранинг аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилган эдик. Шу мавзуни давом эттириб, АҚШда ҳуқуқшунослик таълимининг тузилиши, юрист маълумотига эга бўлиш хусусиятлари, бу соҳада иш топиш ва ишга қабул қилинишнинг америкача услубларига тўхталиб ўтамиз.

Аввало, шуни айтиш керакки, Америкада ҳуқуқшунослик маълумотига эга бўлиш осон эмас. Мактабни тугатган йигит ёки қиз аввало, икки босқичдан иборат малакали ҳуқуқшунослар тайёрлаш тизимида синовдан ўтишлари керак: бу тўрт йиллик коллеж ва уч йиллик махсус юридик мактабдан иборат. "Юридик мактаб" деганлари, моҳиятан биздаги ҳуқуқшунослик институтининг айнан ўзидир. Чунки бу ерда асосан ҳуқуқшунослик фанлари ўқитилади. Бундан ташқари ўқиш мобайнида бир-икки йил малака ҳам оширилади. Малака ошириш расман шарт бўлмаса-да, аксарият битирувчилар уни ўташни маъқул кўради. Нега деганда, малака ошириш жараёнида мўмайгина маош олиш баробарида танланган соҳаларнинг сир-асрорларини яхшироқ билиб олиш имконияти мавжуд. Қолаверса, бўлажак мутахассис иш жойини олдиндан "тайёрлаб қўйиш" имкониятига эга бўлади.

Таъкидланганидек, Америкада юрист бўлиш учун анча маблағ сарфланади. Коллежни битириш учун ҳар йили ўртача 10-15 минг доллар сарфланса, юридик мактабга ҳар йили 20 минг доллар тўланади. Бизнес-юрист мутахассислигини эгаллаш учун жами 100-120 минг доллар талаб этилади. Аммо талаба ҳеч қачон ота онасининг пулига ўқимайди. Бу ерда банкдан таълим кредитини олиш жуда оммавийлашган. Бу жараён давлат томонидан бошқариб борилгани боис ҳеч қандай оворагарчилик ва қонунбузарликларга йўл қўйилмайди.

Юридик мактабда машғулотлар ғоят тиқилинч дастур асосида олиб борилади. Бу ерда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатилган. Шу боис ҳар бир талаба ўзи истиқомат қилаётган шаҳардан иложи борича узоқроқ жойдаги ўқув юртини танлайди. Талабаларнинг ётоқхонада яшаши шарт қилиб қўйилгани ижтимоий тенгликни вужудга келтиради.

Биринчи ва иккинчи ўқув йилларининг орасида талабанинг қулай иш жойи топиши учун 4-6 ҳафталик муддат берилади. Бу пайтда талаба озроқ маблағ жамғариши, касб маҳоратини шакллантириши зарур. Чунки Америка удумига кўра, талаба билим ва касб эгаллаш жараёнидаги қийинчиликларни якка ҳолда енгиб ўтиш шарт. Ота-онаси ким бўлишидан қатъий назар, талабанинг таълим олиш жараёнига мутлақо аралашмайди.

Ўқиш муддати тугагач, ёш мутахассис интеллектуал имкониятлари-ю шахсий сифатлари ҳақида қисқача маълумотнома тайёрлаб, тегишли муассасаларга тарқатиб чиқади. Бу у учун ўзига хос реклама вазифасини ўтайди.

Ишга жойлашган ёш ҳуқуқшунослар меҳнат қилиб, пул ва обрў орттиришга киришади. Табиийки, уларнинг ҳаммаси ҳам бизнес-юрист бўлолмайди. Кимдир судьяликни, кимдир адвокатликни танлайди. АҚШнинг баъзи штатларида судья бўлиш учун қатъий ёш белгиланган. Судьянинг ҳукми ёки қарори ҳар томонлама тўғри бўлиши учун муайян ҳаётий тажрибага ҳам эга бўлиши ҳисобга олинган.

Сиёсий соҳада, бошқарув органларида ўзини кўрсатмоқчи бўлган ҳуқуқшунослар учун ҳам кенг имкониятлар мавжуд. Америкада кадрлар танлаш ва ишга қабул қилишда мулоқот, имтиҳон, танлов, тест каби турли воситалардан унумли фойдаланилади. Мисол учун айтадиган бўлсак, мулоқот шаклида таклиф қилинган бир нечта номзодлар билан иш берувчи орасида турли мавзулар асосида савол-жавоблар ўтказилади. Асосий эътибор ихтисосликка қаратилса-да, ишга олинажак ходимнинг интеллектуал салоҳиёти, ахлоқий сифатлари, иродаси, дунёқараши ва бошқа хусусиятлари ҳам жиддий "текшириб" кўрилади. Чунки Америкада ҳуқуқшунослик энг жиддий, энг масъулиятли касб ҳисобланади.

Мурод ҲАКИМОВ,
Адлия вазирлиги Халқаро ҳуқуқ бошқармасининг бошлиғи

Бугуннинг гапи

АДВОКАТ "ВОСИТАЧИ" ЭМАС

Мамлакатимиз ҳуқуқий жамият қуриш сари интилмоқда. Шу боис жамиятда ҳуқуқий онгни шакллантириш, ҳар жабҳада ҳуқуқий билимга эга бўлиш — бугунги куннинг асосий талабидир.

Хўш, шундай шароитда адвокатнинг ўрни нима билан изоҳланади? Бугунги баҳсимиз ана шу ҳақда.

Оддий халқ тилида адвокат "оқловчи" ёки "ҳимоячи" дейилади. Умуман олганда, бу нотўғри эмас. Зеро, адвокат ҳар бир фуқаронинг яқин дўсти, маслаҳатчиси ва қонун бузилишларининг олдини олувчи, кўмак берувчи ва йўл кўрсатувчи мутахассис-ҳуқуқшуносдир.

Адвокат сўзи лотинчада "жалб қилинган", "чақиртирилган", "ишонилган", деган маъноларни англатади. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, адвокатга нисбатан эҳтиёж ёки зарурат қачон пайдо бўлган?

Албатта, адвокатлик хизмати ўзининг узоқ тарихига эга. Эрамиздан олдинги I ва II асрларда қадимги Рим ва Юнон давлатларида Марк Тулий Цицерон, Веррис Гай, Гортензий Гортал, Валерий Триарий Публий каби машҳур адвокатлар тарихда сезиларли из қолдиришган. Шу билан бирга, қадимий меросимиз "Авесто"да ҳам инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи адолат мезонлари ҳақида сўз юритилади. Жумладан, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, оила ва никоҳ масалалари, жиноят ва жазо мезонлари, айбдор ёки айбсизлигини исбот қилувчи синов усулларини ўқир экансиз, ўша даврда ҳам инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга катта эътибор берилганига ишонч ҳосил қиласиз.

Қадимги Туркистонда шариат қоидаларида айбланувчини ҳимоя қиладиган расмий омил мавжуд бўлмаган. Қози бир қароргa келиши ва ҳукмни эълон қилиши учун муфтий ёки аълам билан маслаҳатлашиб олса-да, айбдорнинг ҳимояси билан ҳеч ким алоҳида шуғулланмаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида, аниқроғи, 1872 йилда юртимизда чор рус судларида ҳам, қозилик судларида ҳам номига бўлса-да, ҳимоячи-адвокатнинг иштирок этишига рухсат берувчи дастлабки ҳужжат қабул қилинган.

Вақт ўтиши билан ўлкамизнинг адвокатура тизими ҳам шакллана борди. Айниқса, мустақиллик йилларида юртимизда адвокатура тизимида кескин бурилиш ясалди. 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **"Адвокатура тўғрисида"**ги Қонун фикримизга асос бўла олади. Бугунги кунда инсон ҳуқуқлари олий қадрият саналиб, ҳар томонлама муҳофаза қилинаётган мамлакатимизда адвокатлик тизими янги даражага кўтарилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда жами 3762 юридик шахс адвокатлик қилиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома (лицензия) соҳибидир. Улар адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик ҳайъатларида ҳуқуқий хизмат кўрсатишмоқда. Таъкидлаш жоизки, адвокатлик бюроларига хусусийлик мақоми берилган.

"Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддасида **"Адвокатура Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, ажнабий фуқароларга, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади"** дейилган. Ана шу фаолиятни амалга ошириш учун Ўзбекистон Адвокатлар Ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъатлари мавжуд бўлиб, улар ўз ҳудудларидаги ҳар бир адвокат фаолиятини аниқ кузатиб боради.

Адвокат ўз мижозининг мустаҳкам қалқони ва суянган тоғидир. Афсуски, ана шу юксак ишонч ва муқаддас вазифанинг ижроси ҳар доим ҳам кўнгилдагидек бажарилаяпти, деб бўлмайди. Чунки ўз мижозини жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган, инсон омилини ва шахс тақдирини биринчи ўринга қўяётган адвокатлар сонини кўп дейишга ҳали эрта. Назаримизда, айрим адвокатлар ўз шаъни ва обрўсидан кўра тинчгина юришни, касбий ютуқларидан кўра, бефарқликни, жой қуйдириб изланишдан кўра ўз шахсий фароғатини маъқул кўраётганга ўхшайди. Жамиятимиздаги ўзгаришлар, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ислоҳотлар уларни қизиқтирмаётгандек туюлади. Кўп ҳолларда адвокат жиноятчи билан унинг қариндошлари ўртасида, терговчи билан судья ўртасида "воситачи" ёки "дастёр" бўлиб қолаётгандек туюлади...

Кези келганда айтиш керакки, адвокатуранинг ҳам ўз ечимини кутаётган баъзи муаммолари бор. Айрим суд биноларида улар учун махсус хона ажратилмаган.

Мамлакатимизда суд тизими жиддий ислоҳ қилинмоқда. Жумладан, судларни уч аниқ йўналиш бўйича ихтисослаштириш жараёни амалга оширилди. Энди улар жиноий, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ажралди ва бунинг натижаси ўлароқ кўрилаётган ишларнинг аниқ, пухта, ҳар томонлама мукаммал бўлишига эришилмоқда. Нега энди адвокатлар ҳам ана шу йўналишлар бўйича ихтисослашмаслиги керак? Ахир, адвокат иш хусусияти ва суднинг йўналишига қараб танланса, ҳар томонлама яхши бўладику? Оқибатда биз "универсал" адвокатга эмас, балки аниқ йўналишга эга адвокатларга эга бўлар эдик. Бундан ташқари адвокат ўз хизмат вазифасини бажараётган пайтда (суд жараёнида ҳам) кино-фото-аудио-видео техникаларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Бу ҳуқуқнинг қандай аҳамиятга эга эканлигини соҳа мутахассислари, тажрибали амалиётчилар яхши билишади.

Шунингдек, адвокатлар кучли мантиқ соҳиби ва ишонтирувчи нутқ муаллифи бўлишлари лозим. Чунки профессионал адвокатларнинг ёр хусусиятларга эгалиги ғоят катта аҳамиятга эга.

Ўрни келганда яна бир гап: биз адвокат хизматидан фойдаланиш вақти, самаралироқ ёрдам олиш қоидасини билмаймиз. Ҳолбуки, чет элларда ҳар бир оиланинг адвокати бўлади ва оиланинг ҳар бир аъзоси ўз муаммоларини батафсил, майда-чуйдасигача унга тортинмай айтади. Вужудга келган барча вазиятардан адвокатни зудлик билан хабардор қилади. Биз эса бирор жиддий ҳодиса содир бўлгандан сўнггина адвокат излашга тушамиз. Шу нарсани тўғри англашкеракки, адвокат фақатгина воқеа содир бўлгандан кейин айбдорни оқлаш учун эмас, балки ҳар бир содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш учун, одамларни огоҳ қилиш ва унинг оқибатларини тўғри тушунтириш учун ҳам керакдир.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давр ҳар бир кишининг ўз ҳуқуқини яхши билишини тақозо этади. Демакки, эндиликда ҳар бир корхона оила ва фуқаронинг ўз адвокатига эга бўлиши заруратга айланади. Бу эса инсонлар манфаатининг ҳимоячиси бўлган адвокатлардан ана шу юксак номга ва шарафли касбга муносиб меҳнат қилишларини талаб этади.

Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,
"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Мулоҳаза учун мавзу

ҚОДИРИЙНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ

**** Унга дахл қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Зеро, у халқимизнинг маънавий мулкидир***
**** "Ўткан кунлар"ни "қайта ишлаш"га эҳтиёж борми?***
**** Янги "Ўтган кунлар"да Отабек севгилиси Кумушни ташлаб, Зайнабга ... уйланади.***
**** Зайнаб "бегим" деганмикин?***

Қодирийнинг асарлари аллақачон халқимизнинг маънавий мулкига айланган. "Ўткан кунлар"даги ҳар битта ҳолат, ҳар битта сўзгача халқимиз ёд билиши, "Сиз ўшами?", "Бек ошиқ" "бегим", "анди", "қутилмаган бахт" каби сўзларнинг ҳамма учун баробар қадрли ва тушунарли эканлиги, хуллас, Қодирийнинг асарлари-ю қаҳрамонлари халқимиз учун қадрият эканлигини назарда тутсак, Қодирий асарларига ёндашишда фақат муаллифни эмас, бутун бир халқни ўйлашимизга тўғри келади. Қодирийдан ташқари халқ билан ҳам ҳисоблашишга мажбурмиз, агар бу асарга қўл урилса, Кумуш қолиб Отабекни Зайнабга уйлантириб қўйсак, Қодирийнинг муаллифлик ҳуқуқини қўя турайлик, бу қаҳрамонларни ўзиники қилиб олган халқимизга нима деб жавоб берамиз?! Очиғи, нима деб жавоб берасиз?

Хонанда Шуҳрат Қаюмов, "Ўткан кунлар"га меҳридан бўлса керак, Отабек номидан 3 та қўшиқ яратди. Шу уч қўшиқ билан бирга унга яратилган клип асосида янги "Ўтган кунлар" ҳам яратилдики, бунда воқеалар бир мунча бошқача кечади. Масалан, "янги" "Ўткан кунлар"да Кумуш ташлаб кетилган илк муҳаббат тимсоли, Зайнаб Отабек уйининг кенг феъллли бекаси, Отабек эса ташлаб кетган муҳаббати учун бироз ўзини айблаётган эр — Зайнабнинг эри. Ундаги воқеалар қуйидагича кечади: Отабек деган бола Кумуш деган қизни севиб, Зайнаб деган қизга уйланиб кетади, шекилли, Зайнаб билан опоқ-чапоқ бўлиб турган Отабекни Кумуш телефонда "гапим бор" деб чақириб қолади. Унга гиргитон Зайнабнинг овқатидан татир-татимай Отабек кўчага отланади. Шим ва четлари кесик узун пальто кийган Кумуш "ҳар доимги жойи"да уни кутаётган эди. У беозоргина "Отабек ака, ҳаёт экан, мен кетурман, сиз Зайнаб билан қолинг", дея икколовига оқ фотиҳа беради-да, йўлига равона бўлади. Отабек "Кумуш, Кумуш" дея ортидан фақат зорланишдан бошқа чора тополмайди. Унинг бу зору-таваллоларига қулоқ ҳам солмаган бепарво Кумуш йўлида давом этади. Бутун саъй-ҳаракатлари-ю, мурожаатлари натижасиз қолган Отабек қадамини Кумушнинг орқасидан эмас, орқага буриб уйига равона бўлади **("Сизни севолмасам нетай" қўшиғига ишланган клип воқеалари шундан иборат).**

Зайнаб билан Отабек дорулзамон яшаётган кунларнинг бирида, яъни улар турмуш қурганлигининг неччаям йиллигини нишонлаш учун айланишга чиқиб, Отабек Зайнабга бир даста гул берган пайтида Отабекнинг қўл телефони жиринглаб қолади. Отабек, бизнингча, Қодирий талқинидек савдогар эмас, врач бўлади, шекилли, "Отабек ака, оғир ҳолатдаги бемор келди, тез операция қилиш керак", дея шифохонадан хабар беришади. "Қариндошларига хабар бердингизми?" мазмунидаги саволига "Ҳеч кими йўқ экан, Сизни танир экан, исми Кумуш экан", деган жавоб олади. Кумуш деган исм эшитилиши биланоқ Зайнаб билан бир ёстиққа бош қўйган ўша бахтиёр оқшом учун уюштирилган сайр ҳам тугайди. Ҳовлиққанча эру-хотинлар шифохонага етиб боришади. Отабек не кўз билан кўрсинки, тўшакда хаста Кумуш ётибди.

— Шу пайтгача турмуш қурмадингизми? — ўзига ўхшаб Кумушнинг ҳам турмуш қурмай кетавермаганлигидан ажабланиб сўрайди Отабек.

— Сизнинг севгингиз билан яшадим...

Кумушнинг бу сўзлари видо эди.

Кумуш шу тахлит Отабек ва Зайнаб қўлида жон беради. Отабекка қўшилиб Зайнаб ҳам "Кумуш опа, Кумуш опа" деб йиғлайди, афсусланади. **("Сиз ўшами?" қўшиғига ишланган клип мазмуни).**

Орадан анча йиллар ўтган бўлса керак, кекса Отабекнинг тушига Кумуш киради. Уйғоник, Кумушнинг қабри тепасига боришим керак, деб ўйлайди. Зайнаб момо "бугун бормасангиз бўларди, бегим", дейди. Отабек бобо унамай жўнагач, бегининг изидан ўзи ҳам бир даста гул кўтариб қабристонга етиб боради. Зиёратдан қайтаётганларида, Кумушнинг хаёлию ҳижронидан Отабекнинг юмулган кўзлари Зайнаб момонинг "Неварангиз қизлик бўлибди, агар маъқул бўлса, эварангиз исмини ... "Кумуш қўйсак" деганида бирдан очилиб кетади. Лаблари ютиниб "маъқул" деб қўяди. **("Армон бўлиб қолдинг менга муҳаббат" қўшиғи клипининг мазмуни).**

Кумуш — Отабек — Зайнаб ўртасидаги муносабат шу тахлит талқин қилинади. Аниқроқ айтсак, Зайнаб кундошликдан қутилади, Кумуш эса кундошлик азобидан. Отабек эса Кумушига эришолмаган ошиқ сифатида Зайнабга уйланади қўяди ва Зайнабойим бегининг бошқага бўлган муҳаббатини ҳам ҳурмат қила оладиган оқила, босиқ, вазмин хотин тасаввурини беради бизга янгича талқин.

Биз бу ерда Қодирий мантиғига хиёнат бўлганлиги-ю халқимиз онгидаги "Ўткан кунлар"га дарз урилганлигини гапириб ўтирмаймиз. Айнан ушбу асарга ишланган машҳур фильмдаги севимли актёр ва актрисаларимизнинг клипидаги замонавий "Ўткан кунлар"да ҳам бош ижрочилар бўлиб қатнашиши юқоридаги жараённи фақатгина чуқурлаштиришга хизмат қилганлигини-да, айтиб ўтиришга ҳожат йўқ. Зеро, Қодирий ҳам, "Ўткан кунлар" ҳам ҳимояга муҳтож эмас. Халқимиз учун у маънавий қадрият экан, ўша қадрият ўз-ўзини ҳимоя қила олади, у Қодирийнинг "Ўткан кунлари" билан клипдаги "Ўткан кунлар"ни фарқлай билади, деб тушунамиз. Қолаверса, муаллифлик ҳуқуқи, деган тушунча бор. Бу ҳақда қонун мавжуд. Асарнинг дахлсизлиги ҳақида унда алоҳида қайдлар бор: **"Муаллиф ўз асарига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда асарга ўзининг розилигисиз бирон-бир шахс томонидан ўзгартишлар ёки қўшимчалар киритишидан ҳимоя қилиш борасида алоҳида ҳуқуққа (асарнинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуққа) эгадир.**

Асарни нашр қилиш, омма олдида ижро этиш ёки бошқача тарзда фойдаланиш чоғида асарнинг ўзига ҳам, унинг номига ҳам, муаллифнинг номи кўрсатилишига ҳам фақат муаллифнинг розилиги билангина йўл қўйилади". ("Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддаси).

Ҳозир асарнинг дахлсизлик ҳуқуқи муаллифнинг ворисларига ўтган. Балки клип ижодкорлари улардан янги ихтиролари учун рухсат ҳам олишгандир. Лекин клипда ифодаланган тарзда Қодирий асарининг оёғи осмон қилинишига розилик берганларига ишониш қийин. Негаки, бу асар, қайтариб айтяпмиз, халқнинг мулкига айланиб бўлган, халқ учун Отабек ва Кумуш севги тимсоли, вафо рамзидир, вассалом. Ахир, ота-онасидан розилик олмасдан Кумушга уйланган Отабекни, севиб-севиб Кумуш деган қизни ташлаб кетган Отабек, деган болага алмаштиролмайди улар. Зайнаб учун "гўёки жонсиз бир ҳайкал" бўлган Отабекнинг Зайнабдан бола-чақа ортириб, ҳатто ўз эварасига ҳувв бир замонлар ташлаб кетган Кумушнинг исмини, қўйингки, бу ташаббуснинг кундошини заҳарлаб ўлдирган Зайнабдан чиқишини қандай қабул қилади у. Майли, Кумушни севиб Зайнабга уйланиб кетадиган бугуннинг Отабеги бўла қолсин, бунга ён бериш мумкин. Лекин севиш у ёкда турсин, ота-онасининг мажбурияти билан уйланган Зайнабга муносабатини оғринмасин дея "Мен ожизмен", деб ифодалаган Отабекни Кумушни ташлаб, ўзи хоҳлаб уйланиб олган Зайнаб хотинига "Сизни севолмасам нетай" деб бақираётган Отабек билан қиёслаш учун озроққина ўзбекликдан четроққа чиқиши керак эмасми? Ёки қайси бир ўзбек эркаги аёлига, майли, севмасин, овоз чиқариб "сизни севолмасам нетай?" деб айтади? "Ўткан кунлар" мантиғи бузилибди, ҳеч бўлмаса, ҳаёт мантиғи, миллат мантиғи авайланса эди...

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
журналист

Таҳририятдан: Ушбу мақолада баён этилган мулоҳазалар журналистнинг шахсий қарашлари, албатта. Бу ҳолни инкор этмаган ҳолда ана шу фикрларда ҳам жон бор, дея айта оламизми ёки йўқ? Бу хусусдаги мактубларингизни кутамиз, азиз газетхон!



Ёзги таътилнинг сўнгги кунларида.
Шавкат АКРОМОВ олган сурат.

ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Инсоннинг дунёга келиши, янги авлод пайдо бўлиши оилада рўй беради. Фарзанд туғилиб, шахс сифатида шаклланунига қадар лозим бўлган таълим-тарбия ҳам оилада олинади. Оила урф-одат ва қадриятларни авлоддан-авлодга етказувчи ижтимоий институт ҳисоблангани боис жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга. Илмий адабиётларда оилага инсонларнинг табиий-биологик, никоҳ, қон-қардошлик, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий муносабатларга асосланган, турмуш бирлиги ҳамда ўзаро жавобгарлик орқали боғланган ижтимоий гуруҳ, дея таъриф берилган. Бугунги кунда эса унинг вазифаси ва таъсир доираси яна ортган. Шу боисдан ҳам оила жамиятнинг таянч қисмларидан бири сифатида қаралади. Оиланинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мамлакатимизда қонун асосида кафолатланган. Жумладан, Бош Қомусимиз бўлган Конституцияда оила ҳақида тегишли моддалар мавжуд. Бундан ташқари, бошқа қонунларда ҳам оила манфаатлари ҳимоя этилган.

Маълумки, оила асосини эр-хотин ташкил этади. Эр-хотиннинг ўзаро келишуви, феъл-атвори, дунёқараши уйғунлиги оилани вужудга келтиради. Бунда уларнинг ёши, соғлиги каби омиллар ҳам улкан аҳамият касб этади. Шу боис Шайхонтоҳур туманининг фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими идораси ходимлари биринчи навбатда оила мустаҳкамлиги омилига эътибор қаратишмоқда. Гап шундаки, ҳозирги пайтда никоҳдан ўтишни хоҳлаганлар дастлаб бизнинг бўлимимизга ариза билан мурожаат этишади. Улар билан ходимларимиз ўртасида бўлиб ўтадиган ўзига хос мулоқотдан сўнг бўлажак келин-куёвга муайян синов муддати берилади. Шунингдек, бу борада улар тиббий кўрикдан ўтишади. Тиббий томондан бирор-бир нуқсони бўлмаган соғлом йигит-қизга тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Ҳаммаси рисоладагидаек бўлса, бу ҳолда никоҳдан ўтишга розилик берилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим ота-оналарнинг шошқалоқлиги натижасида қизларни эрта турмушга узатиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Бу ҳол ўз навбатида қўплаб муаммоларни юзага келтириши мумкин. Шуни ҳисобга олиб, бўлимимиз ходимлари тарғибот-ташвиқот ишларига улкан масъулият билан ёндашишмоқда. Бу эса қутилган самарани бераяпти. Мисол учун айтадиган бўлсак, мажбурий равишда турмуш қураётган ёш ёки соғлиги жиҳатидан номувофиқ бўлганлар сони бармоқ билан санарли даражада эканлиги ана шу меҳнатлар натижасидир. Ҳозир шуни баралла айтиш мумкинки, ёшларнинг тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтиши одат тусига кириб бормоқда. Олдинлари ушбу тадбирга ўгай кўз билан қаровчилар ҳам кўп эди. Бугунги кунда эса кўпчилик ушбу тадбир моҳиятини тўғри тушуниб етмоқда. Бундан ташқари, эр-хотиннинг ажралиши борасида ҳам янги услублар амалиётга жорий этилмоқда. Ажралишни истаганларга бошида синов муддати берилаяпти. Шу муддатда томонлар келишувга келишолмаса, у ҳолда маҳалла ва қариндошлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Бу каби кенг кўламли ишларни бажаришда адлия бошқармаси ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турғани ходимларимиз ғайратига ғайрат қўшмоқда. Чунки жамият тараққиётининг асосий бўғини бўлган оила мустаҳкамлигини қонун асосида ҳимоя этиш адлия тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Жамоамиз аъзолари ушбу масъулиятли вазифани адо этишга баҳоли қудрат қўшаётган ҳиссамиз билан фахрланамиз ва келгусида бу борадаги ишларни янада жонлантиришга ҳаракат қиламиз.

Сайёра РЎЗИЕВА,
Шайхонтоҳур тумани ФҲДЁ бўлими нозири

(Давоми Боши ўтган сонда)

ЖАҲОЛАТНИНГ ЖИРКАНЧ ЙЎЛАГИ

Шерали Тўраев Самарқанд тиббиёт билим юртининг стоматология бўлимини тугатган. Тиш даволаш поликлиникасида иш бошлагач, қўлига озроқ пул тушди-ю, бирдан босар-тусарини билмай қолди. Таниш "мижоз"лардан тилла сотиб олиб, қоплама тиш ясаб, одамларнинг пулини "шилиш"нинг ҳадисини олди. Бир куни қўлига анчагина тилла тушди. Пули етмагани боис қаршилик танишлари Азиз Шукуров ҳамда Темур Дзангубековлардан «процент»га 200 минг сўм қарз олди. Аммо қарзни қайтариш пайти етиб келганда, у чўнтагини иситиб турган пулларни ҳамтовоқларига бергиси келмади.

— Менга қара, оғайни, пулни берсанг-бердинг, бўлмаса мурдангни балиқлар ейди, — деди шерикларидан бири.

Шерали қараса, иш чатоқ. Уларни овқатга таклиф қилди.

— Пул бўлса, бир гап бўлар. Юринглар, чой ичайлик.

Чой ичишди.

— Иш бор, — дея Шерали ҳамтовоқларига сирли қараш қилди. — Биттаси бор. Пулдор, долларлари ҳам етарли. Бир эмас, учта "Тико"си бор. Ўзи киракашлик қилади.

— Нима қилиш керак?!.

Шерали қўлини "пичоқ" қилиб бўйнига тортди.

— Фақат тирик жон ҳидини билмаслиги керак. Уни ўртадан олгандан сўнг хотини "Тико"ни сотиб, ҳақингларни тўғрилаб беради.

— О, кей, братан, — деди Темур ўрисчалаб. — Только смотри, кидать будешь, пинай на себя, горько плакать будешь.

Ажал элчилари шу тариқа йўлга тушди. Улар 2001 йил 12 февралдан 14 февралгача — уч кун мобайнида Алишернинг машина билан ҳаракат йўналишини обдон ўрганиб чиқишди. 14 феврал куни кеч соат 17-18 ларда Темур, Азиз, Шерали Дамариқ бозори ёнидаги болалар шифохонаси рўпарасида "14 I 36-90" давлат рақамли "Тико"ни тўхатишди. Кейин Азиз Алишер билан савдолашишга тушди. Ниҳоят, Қаршига уч кишини 30 минг сўмга олиб бориб, келишга келишишди.

Азиз билан Шерали машинанинг орқа ўриндиғига, Темур эса олд ўриндиқдан жой олишди. Алишер соатига қаради: агар машинани маромида ҳайдаса, уч соатда Қаршига бориб-қайтади. Уч соатда ўттиз минг! Бу кам пул эмас... Уни ана шу бор-йўғи уч соат ичида топадиган мўмай пул сархуш этган, аммо ёнида хотининг ўйнаши ёллаган қотиллар ўтирганини хаёлига ҳам келтирмасди. Йўлнинг қайси бир манзилга етганда, кутилмаганда, қўл телефони жиринглаб қолди.

— Алло, Алишер, қаердасан, уйингга кўнғироқ қилсам, йўқ экансан, — опаси Манзуранинг овози эшитилди.

— Тинчликми опа?! Ҳозир Сўғдиёна тарафдаман, — деди Алишер. У опасини Қаршига кетаяпман, деб хавотирга қўйишни истамади.

— Уйга кел, гап бор.

— Майли, икки-уч соатлардан кейин бораман.

Алишер телефонни ўчириб қўйди. Унинг ёнида ўтирган мудҳиш мақсадли "йўловчилар" ҳам енгил тин олишди. Ахир, Алишер опасига Қаршига кетаяпман деса, барча режалар барбод бўлиши ҳеч гап эмасди...

Машина Нуробод туманининг Сазағон фуқаролар йиғини ҳудудига етганда, Шерали ташқарига чиқишни баҳона қилиб, машинани тўхатди.

Тун чўккан далада изғирин шамол эсарди. Алишер машина моторини ўчирди. Шерали машинадан тушди. Аввалдан келишилганидек, Темур орқа ўриндиқда ўтирган Азизга қаради. Азиз унинг имосини дарров тушунди ва Алишерга ташланди. Бу пайтда Темур қаршилик қилаётган Алишернинг қулоқ чаккасига бир мушт туширириб, томоғидан буға бошлади. Ҳаётдан кўнгли совуган, орзу-умидлари саробга айланган вужуд қутилмаганда, қандай ҳунрезликлар рўй бераётгани, ким ўзи булар, нега ўзига ҳамла қилаётганини англамай, бир зумда жон таслим қилди. Машина атрофида гарангсиб турган Шерали қайтиб келганида, ҳайдовчи ўриндиқда қимир этмай ётарди.

Ёлланган қотиллар Шералига қарашди. Шерали эса мурдага кўзи тушиб, ўраги орқага тортиб кетди, аммо қўрқувга тушганини сездирмай, Темурга машинани ҳайдашни буюрди. Бироқ Темур машина ҳайдашни билмаслигини айтгач, у мурдани орқа ўриндиққа ўтказиб, рулга ўзи ўтирди. Машинани Самарқанд томонга буриб, бироз ҳайдагач, тоғ қишлоғига олиб борадиган йўлга қайрилди. 200 метрлар чамаси юргач, машинани йўл четига тўхатди.

— Машинадан тушдик, — деди у шерикларига.

— Менга қара, ўликни панароққа ташлаб, Қаршига машина билан кетсак-чи? — деди қотиллардан бири.

— Эсинг жойидами, биринчи постдаёқ қўлга тушамиз-ку! Ўша гап — гап: машина эгасига қайтгандан сўнг бир ҳафта ўтгач, пул қўлларингда бўлади.

Улар машинадан тушишди. Атроф зим-зиё, тирик жон йўқ. Ўликни яна ҳайдовчи ўриндиғига ўтқизиб, эшикка суяб қўйишди. Четдан қараган кишига ҳайдовчи худди ухлаётгандек таассурот уйғотар эди. Шерали йўлга тушишдан олдин яна машина ичига бош суқиб қаради. Бирон нарсани унутиб қолдирмадикми, деган хавотирда у ёқ - бу ёққа аланглаб қараётиб, мурданинг ёнида ётган "Алкатель" русумли қўл телефонига кўзи тушди. Бироз иккиланиб туриб, сўнг беихтиёр телефонни қўлига олиб, чўнтагига солди.

— Кетдик, — деди у ва шериклари билан тун қаърига кириб, кўздан ғойиб бўлишди.

"Алкатель" фош этади

Сазағон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида участка катта инспектори Мусурмон Ёриев 2001 йил 14 феврал куни Нуробод ички ишлар бўлимининг тезкор гуруҳида иштирок этаётган эди. 2001 йилнинг 15 феврал куни у ўз ҳудудида рўй берган қотиллик юзасидан туман ИИБ ва туман прокуратурасига зудлик билан хабар юборди. Тергов гуруҳи келиб, воқеа жойини кўздан кечирди. Мазкур қотиллик иши бўйича 2001 йил 16 феврал куни Нуробод туман прокурори томонидан жиноий иш қўзғатилди.

***

Сўғдиёна мавзеида жойлашган кўп қаватли уйлардан бирининг хонадонида тун ярмидан оққанда телефон жиринглади. Суҳбат қисқа бўлди.

— Алло, эшитаяпсанми? Эрингни йўқотдим...

— Тушунмаяпман, очиқроқ гапиринг, кимсиз? — аёл киши уйқусираган овозда гапирди.

— Танимаяпсанми? Бу мен — Шералиман. Эринг энди йўқ...

— Вой ўлмасам...

— Болаларингга уқтириб қўй, улар ҳам, сен ҳам мени танимайсан. Акс ҳолда... Кейин пулни тайёрлаб қўй!

— Нима акс ҳолда?

— Ўлдириб кетишади. Сени ҳам, мени ҳам... Пулни тайёрлаб қўй, вассалом... — телефонда узун-қисқа гудоклар хунук дут-дутлаб қолди...

***

2001 йил 15 феврал куни Гулжаҳон Самарқанд шаҳар ички ишлар бошқармасига эри Алишер Раҳматовнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида ариза билан мурожаат қилди. Ўша куни тушдан кейин Қарши йўлида номаълум шахслар Алишерни ўлдириб кетганмиш, аммо унинг бирон-бир нарсасига тегишмапти, деган шум хабар тарқалди.

Майитни сўнгги йўлга кузатиб келишди. Энг кўп қуйинган, энг кўп йиғлаган Гулжаҳон бўлди. Орадан уч кун ўтгач, Гулжаҳон иш юзасидан терговга чақирилди.

— Эрингизни душманлари бормиди?

— Йўқ, менимча, душмани йўқ эди. Сезмаганман.

— Уйингизга ўғри тушганми?

— Йўқ...

— Кимдан гумонингиз бор?

— ...

— Эрингизни машинасидан бирор нарсанинг йўқолганини пайқадингизми?

— Йўқ...

Шу тариқа жиноятнинг учини топиш анча мушкул кечди. Гулжаҳоннинг ҳам, Алишернинг ҳам қариндош-уруғлари сўроққа чақирилди. Савол-жавоб асосида Шерали деган шахснинг номи бир неча марта тилга олинди. Кейин Шерали тўғрисида зарур маълумотлар тўпланди. Суҳбат орасида Алишернинг опаси Сайёра Раҳматова 14 феврал куни кечкурун унинг қўл телефонига кўнғироқ қилиб, гаплашганини эслади.

Ҳа, дарвоқе, Алишернинг қўл телефони бор эди-ку?! Қани, ўша телефон? Машинадан ҳам топилмади-ку? Ёки уйда қолдирдимикин?! Сўнгги марта у кимга, қачон кўнғироқ қилган?

Ана шундай саволлар билан "Коском" қўшма корхонасига ёзма мурожаат қилинди.

"А.Раҳматовнинг қўлидаги "Алкатель" телефонидан унинг уйига 15 февралга ўтар кечаси соат 02^{22} да кўнғироқ қилинган. 3 минут гаплашилган", деган жавоб олинди.

Бу жавоб иккинчи бир саволни келтириб чиқарди: А.Раҳматов соат 19^{00} ларда ўлдирилган бўлса, ярим тунда унинг уйига ким телефон қилган? Ҳозир телефон кимнинг қўлида?!.

Бир-биридан мураккаб ва жумбоқли саволларга аниқ жавоб топгунга қадар вилоят ИИБ ходимлари, прокуратура терговчилари икки ҳафта тиним билишмади.

Яна Г.Юнусова сўроққа чақирилди.

— Эрингизнинг "Алкатель" русумли телефони борлигидан хабарингиз бормиди?

— Бор...

— Телефон кимда турарди?

— Эрим уни ўзи билан олиб юрарди.

— Эрингиз ўлдирилган куни ярим тунда унинг телефонидан сизга ким кўнғироқ қилди?

Бундай кескин саволни кутмаган Гулжаҳон нима дейишини билмай, бирдан довдираб қолди. Ранги кутилмаганда, оқариб кетди.

— М-менга ҳеч ким кўнғироқ қилгани йўқ, — дея олди у базўр.

— Ўзингизни гўлликка солманг. Тўғрисини тан олсангиз, эрингизнинг қотилларини тезроқ топишга ёрдам берасиз...

Гулжаҳон кутилмаганда, ўзини тутолмай, ўкраб йиғлаб юборди.

— Шерали... Шерали Тўраев... Тиш техниги бўлиб ишлайди. Ҳаммасига ўша айбдор... — деди у йиғи аралаш.

Мана шу биргина сўз айтилиши ҳамон калаванинг учи топилди. Ўша куннинг ўзида Ш.Тўраев қўлга олинди. Тайлоқ туманидаги Хитоис қишлоғидаги уйидан, эски мўридан ашёвий далил — "Алкатель" русумли қўл телефони топилди. Шундан сўнг бошланган сўроқ, юзлаштириш асносида Шерали Гулжаҳоннинг ўйнаши эканлиги, унинг кўрсатмаси билан уч киши бўлиб А.Раҳматовни ўлдиришгани ва шериклари ким, қаерда яшашини айтиб берди. Ана шу тариқа Т.Дзангубеков 2 апрелда Чирчиқ шаҳрида, А.Шукуров 16 апрелда Қарши шаҳрида тезкор гуруҳ ходимлари томонидан қўлга олинди.

Ш.Тўраев, Т.Дзангубековлар сўроқ, юзлаштириш асносида қилган жиноятларини тўла бўйниларига олишди. А.Шукуров гарчи, 14 феврал куни Қаршидан ҳеч қаёққа чиққаним йўқ, дея қўйилган айбловни тан олмаган бўлсада, шериклари билан юзлаштирилгач, жиноятчилигини инкор этолмай қолди.

Ниҳоят, шу йил 29 июнда Самарқанд вилоят судида мазкур жиноий иш юзасидан очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди.

Жиноятчилар қора қилмишлари учун тегишли жазоларини олишди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Энг даҳшатлиси кейин рўй берди. Суд охирида Гулжаҳон Юнусованинг тўнғич ўғли Амир суд ҳайъатидан сўз сўради:

— Мени ёш деб гапларимни жиддий қабул қилмасликларингиз мумкин. Лекин дадамнинг ўлимига сабабчи бўлган бу аёл бизга она бўлишга нолойиқ деб ҳисоблайман. У бизга она эмас! — дея йиғлаганича суд залидан югуриб чиқиб кетди. Бироқ йиғи-сиғи эшитилаётган залда, йиғилганларнинг, қотилларнинг, ҳам эридан, ҳам фарзандларидан жудо бўлган, ҳаҳзалик айш-ишрат учун бахтиқароликка юз тутган, бошидан ҳуши учган жувоннинг қулоқлари остида тирик етимга айланган ўсмирнинг фарёди аччагача садо бериб, дийдаси қаттиқларнинг ҳам жигар бағрини қон қилиб юборди.

— У бизга она эмас!

— У бизга она эмас!

— У бизга...

— У...

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ,
Маҳмуд БЕРДИҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти

1996 йилнинг январидан нашр этилади
ИНСОН ва ҚОНУН
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБ